

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
“БАРКАМОЛ АВЛОД” РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР
БАДИЙ ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ

**“ФОЛЬКЛОР” ТЎГАРАГИ
ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ**

ТОШКЕНТ-2013

- Муаллифлар:**
- М.Жўраева** - “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази маданий оммавий тадбирлар ташкилотчиси
 - С.Норова** - Бухоро вилоят Жондор тумани “Баркамол авлод” болалар маркази услубчиси
 - Р.Ҳамроева** - Бухоро вилоят Жондор тумани “Баркамол авлод” болалар маркази “Фольклор” тўғараги раҳбари
 - Т.Сапаева** - “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази тўғарак раҳбари
 - Ш.Шукуров** - “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази тўғарак раҳбари
 - О.Наржигитов** - “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази ўқувчиларни ижодий камол топтириш гуруҳи раҳбари
- Тақризчилар:**
- Э. Исломов** - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
 - Н.Мадраҳимова** - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
 - Н.Шомансурова** - “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази директор ўринбосари

Ушбу қўлланма Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 3 сентябрдаги 259-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Фольклор” тўғараги ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Мазкур қўлланма “Баркамол авлод” болалар марказлари, таълим муассасалари, меҳрибонлик уйлари ва маҳаллалар қошида ташкил этилган “Фольклор” тўғарак раҳбарлари учун тавсия қилинади.

Республика Таълим маркази ҳузуридаги “Маънавий-маърифий” йўналишидаги Илмий методик кенгашнинг 2013 йил 13 августдаги навбатдан ташқари 6-сонли йиғилиш қарори билан фойдаланишга тавсия этилган.

“Фольклор” тўғарагининг биринчи ўқув йилига мўлжалланган ўқув қўлланмаси.

1. Кириш.

“Фольклор” тўғараги мақсади ўқувчиларга фольклор қўшиқлари ва уларнинг яратилиш тарихини, фольклор қўшиқларининг турларини, услубларини, намоёндаларини, ҳудудда яшаб ўтган маданият намоёндалари, фольклорга хос бўлган либослар турларини, ҳудудларга хос бўлган миллий рақс йўналишларини: хусусан Фарғона-Тошкент рақс мактаби, Хоразм рақс мактаби, Бухоро рақс мактаби, фольклор қўшиқларида фойдаланиладиган миллий халқ чолғу асбобларини ижро йўлларини, ота-боболаримиздан авлоддан-авлодга ўтиб келаётган фольклор қўшиқларини ўргатишдир.

Фольклор (ингл. Folk-халқ, lore-билим, донолик)- халқ ижодини ифодаловчи атама. Фанга 1846 йилда инглиз археологи У.Ж. Томс олиб кирган. XIX асрнинг 80-90 йиллардан Фольклор атамаси кўплаб мамлакатларда қўлланила бошланган. Шу йиллардан бошлаб бу атама кенг маънода халқ ижодининг барча соҳаларини – халқ поэзияси, халқ насри, мусиқаси, рақси, рассомлик, ўймакорлик, диний эътиқоди ва одатларини ифодаласа, тор маънода фақат сўз санъатини – халқ оғзаки поэтик ижоди тушунчасини ифода этади.

“Фольклор” тўғарагининг вазифаси турли мавсум ва миллий маросимларда фольклор қўшиқларини ижро этиш, фольклор қўшиқларида унга хос бўлган либосларни танлаш, фольклорга хос бўлган турли мавсумий ва маросим қўшиқларига хос рақсларини ижро этиш, фольклор қўшиқларида фойдаланиладиган миллий халқ чолғу асбобларини турли усулларда қўшиқларга мос равишда чапиш малакаларини ҳосил қилишдан иборат.

Туркий халқларда фольклор материалларини ёзиб олиш бўйича дастлабки тажрибалар XI асрдан бошлаб кўзга ташланади. XVIII - XIX аср бошларида фольклорга нисбатан қизиқишнинг кучайиши натижасида халқ оғзаки ижодини тўплаш ва нашр этиш жадал ривожланди.

XX асрнинг 20-йиллари 2-ярмидан бошлаб ютуқлар қўлга киритилди. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан шоир каби атоқли достончилар майдонга чиқди. 1925 йилдан ўзбек халқи тарихида биринчи марта янги достонларнинг тўлиқ матнларини халқ шоирлари оғзидан бевосита ёзиб олиш ишлари бошланиб кетди. Қисқа бир даврда “Алпомиш”, “Ёдгор”, “Шайбонийхон”, “Юсуф билан Аҳмад”, “Алибек билан Болибек”, “Рустам”, “Гўрўғлининг туғилиши”, “Юнус пари”, “Мисқол пари”, “Тулнор пари”, “Авазхон”, “Ҳасанхон”, “Далли”, “Равшан” каби йирик асарлар ёзиб олинди.

Фольклорнинг асосий хусусияти ижодий жараён-яратувчилик ва ижрочилик жараёнинг оғзакилиги ва жамоалик характериға эғалиғидадир. Унинг анъанавийлик, ўзгарувчанлик, вариантлилик, оммавийлик, анонимлик каби белгилари фольклорға хос ана шу ижодий жараённинг бош хусусияти доирасида намоён бўлади. Фольклор асари кўпчилик томонидан, аждодлар ва авлодлар алоқадорлиғида яратилган поэтика элементлари, анъанавий услуб

воситалари асосида юзага келади, у муайян эшитувчилар гуруҳига мўлжалланган ва халқ оммаси томонидан эътироф этилгандагина ижтимоий ва тарихий аҳамият касб этади. Фольклор намуналари оғзаки яратилиб, оғзаки тарқалиши, оммавий репертуардан кенг ўрин олишига поэтик шаклларнинг барқарорлиги, матндан–матнга ўтувчи умумий ўринларнинг қатъийлашганлиги, ўхшаш сюжетларнинг кўплиги имконият яратади.

Ҳар бир ижод ва ижрода анъанавий асардаги айрим унсурлар ўзгаради ёки тушиб қолади. Бундай ўзгарувчанлик ижтимоий-маиший шароит, эшитувчилар талаби, ижодкор салоҳиятига боғлиқ. Лекин ҳар қандай ўзгариш сайқал топган қатъий анъаналар доирасида содир бўлади. Бадиҳагўйлик фольклор асарларининг кўп вариантларда тарқалишига олиб келади.

Фольклорнинг жамоалик характери якка ижодчилар фаолиятини инкор этмайди. Истеъдодли ижодкорлар оғзаки анъаналар доирасида уни янада мукаммаллаштирадилар, янгиларини яратадилар.

Тўғарак раҳбарининг ташкилотчилик қобилияти, билимдонлиги алоҳида аҳамият касб этади. “Фольклор” тўғараги бевосита Хореография олий мактаби, санъат коллежлари билан ҳамкорликда иш олиб боради. Тўғарак фаолияти давомида мазкур олий даргоҳларга ташрифлар уюштириб, фольклор санъатининг бугунги кундаги намоёндалари билан учрашувлар уюштирадилар.

Машғулотлар амалий ва назарий қисмлардан иборат, амалий машғулотлар кенгроқ ўтилади.

Қўшиқ, топишмоқ, афсона, ривоят, лоф, латифа, эртақ, достон, аския, оғзаки драма ва бошқа фольклорнинг асосий жанрларидир.

“Фольклор” тўғараги ўтилишининг долзарблиги. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг умумий қоидалари бўлимида кўрсатиб ўтилган “Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида... кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шарт” эканлиги билан белгиланади.

Ота – боболаримиздан қолган, сақланиб келаётган урф-одатлар, миллий қадриятларимизни бизгача етиб келишида албатта турли хил манбалар, китоблар, турли хил видео тасмалар, кино, журнал ва газеталар орқали биз ўтмишимиз ҳақида билимларга эга бўлиб келмоқдамиз. Ҳозирги кунда фан техника жадал ривожланаётган вақтда барча ёшларимиз ўз билимини янада бойитишда янги ва замонавий ахборот технологиялари ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди.

Қарийиб ҳар куни ахборот порталларида жойлашган янгиликлардан боҳабар бўлишга одатланмаган, кундалик фаолиятида иш “қуроли” дай бўлиб қолган компьютерлардан фойдаланмаган кишини топиш қийин. Бу ўринда барчамиз истеъмолчилармиз. Хоҳ кундалик ҳаётда бўлсин, хоҳ ўқиш ва иш фаолиятида бўлсин инсонни ҳар доим қизиқтирадиган саволлар юзага келаверади. Бу саволларга жавобни эса интернет тармоғи орқали бемалол топиш имкони бор.

Рус зиёлиларидан бири “Интернет бу- тарвақайлаган жунгли” унда фақат компас билан нажот топиш мумкин. Компас эса “Мафкуравий имунитетдир” деган эди. Интернетга ҳамма кириши мумкин, унинг эшиклари доимо очиқ

туради. Бутунжаҳон ўргимчак тўри”нинг қидирув системаси ҳар бир замонавий инсон учун зарур бўлган ақлбодар қилмас ва жуда кўп ахборотларни қамраб олади. Унинг қулайлик жиҳати шундаки инсон истаган мавзудаги ахборотни ҳеч қандай қийинчиликсиз топиши мумкин. Бунинг учун интернетга уланиш, қидирув системасини танлаш ва унинг сатрига керакли маълумот номини ёзиш кифоя. Интернет орқали одам ҳар куни турли мафкуравий (фикрни ўзгартирувчи) таъсирларга дуч келади.

Тўғаракнинг аҳамияти. Ўзбек халқ оғзаки ижоди миллий кадриятларнинг таркибий қисми эканини тасдиқлаш, ўзбек менталитетининг шаклланиши бевосита халқ дostonлари, эртаклари, қўшиқлари, мақоллари, мусиқа ва рақслари каби жанрларда акс этган ҳаёт ифодаси билан боғлиқлигига ишонч ҳосил қилиш, миллий ўзликни англашнинг ўсиб боришида халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат туйғусини шакллантиришдан иборат.

Тўғаракнинг мақсади – халқ оғзаки ижодининг сўз санъати сифатидаги хусусиятлари мукамал уйғунлушганини, унда ўзбек халқининг асрлар давомидаги ижтимоий, маиший, маданий ҳаёти ўзининг бадиий ифодасини топганини, халқнинг ўз ватани учун ифтихор туйғуси айнан оғзаки ижоди заминидида ташкил этишини тўғарак аъзоларига англатиш.

Тўғаракнинг вазифалари:

1. Халқ оғзаки ижодининг ёзма адабиётдан фарқли жиҳатларини кўрсатиб бериш;
2. Ўзбек фольклорининг тарихий тараққиёт босқичлари юзасидан тўғарак аъзоларига илмий маълумот бериш;
3. Халқ ҳаёти ва бадиий тўқима тушунчаларининг моҳиятини англатиш;
4. Халқ оғзаки ижоди миллат фарзандларининг маърифий дунёқараши, эстетик дидини шакллантиришда муҳим тарбиявий асос вазифасини бажаргани ҳақида тасаввур ҳосил қилиш;
5. Халқ оғзаки ижодидаги жанрлар ҳақида маълумот бериш, уларнинг жанр хусусиятларини аниқ кўрсатиш, жанрлараро муносабат мезонларини белгилаш;
6. Ўзбек халқ оғзаки ижодининг, умуман, ўзбек миллий санъати тараққиётидаги аҳамиятини кўрсатиш;
7. Ўзбек фольклорининг жаҳон халқлари оғзаки ижоди ривожидидаги ўзига хослиги ва инсоният маданий меросида тутган ўрни ҳақида маълумот бериш.

2. Фольклор. Халқ оғзаки ижоди.

Ҳар бир халқнинг оғзаки ижоди, ўша халқнинг бўй бастини ва анъаналарини, табиатини рўй-рост акс эттириб турувчи боқий кўзгудир. Биз ана шу кўзгу орқали ҳар бир халқ ўтмишини, бугунини, орзулари ва воситасида оламшумул эзгу ниятлар, одамий ва оламий фазилатлар, ваҳшийлик ва ёмонликка нафрат каби муштарак туйғулар дунёнинг барча халқлари учун азиз ва қадрли эканлигини кўриб, қувонамиз.

Дунё халқларининг оғзаки ижодинини безаб турган, бир-биридан қадимий дoston ва эртақлар, аския ва лапарлар, қўшиқ ва топишмоқлар одамларни, башариятни нурафшон кунлар сари етаклайди.

Тўй маросимлари тадбирларига ҳар хил айтимлар ҳам кирган, жумладан, “Келин йиғиси” қўшиқлар тўй маъракаларни, улуғлаш, мадҳиялар, табриклар, панд насихат, алёрлар айтишдан иборат бўлган, улар якка-ёлғиз, мусиқа асбоби билан баъзан усиз гуруҳ бўлиб ижро этилган. Улар орасида барча халқларда оммалашган қўшиқ “Ёр-ёр” дир. У нақорат тўртлик услубида таркиб топган. Тўй маросимларида қўшиқлар воқеа таснифининг ва бадиий ифоданинг зарур воситаси саналган. Улар кўпинча келин ва унинг дугоналари томонидан куёв уйига бориш вақтида жамоавий бўлиб чолғу асбоблари-доира жўрлигида ва чолғу асбобларисиз ёки қарсак чалган ҳолда ижро этилади. Баъзи бир халқларда эркалар томонидан “Ёр-ёр”, каби қўшиқлар чолғу асбоблари жўрлигида ёки дуэт-айтишув шаклида келин ва куёв вакиллари иккита аёллар гуруҳи томонидан ижро этилиши кенг тарқалдики, бу ижроларда маълум маънода қочирим-киноялар акс этади.

Халқ ижоди тушунчаси ғоятда кенг, у фольклор, халқ мусикаси (мусиқа фольклори), халқ театри (томоша санъати), халқ ўйинлари, қўғирчоқ ўйин, халқ тасвирий ва амалий санъатини ўз ичига олади. Фольклор асарлар катта ҳаяжонлантирувчи кучга эга, адабиёт ва санъат учун туганмас манбадир. Инсон нутқи шаклланиши билан оғзаки сўз санъатининг қадимий тур ва жанрлари ҳам қоришиқ ҳолда юзага кела бошлади. Кишилиқ бадиий тафаккурининг турли шакллари ўз ичига олган бу ижод намуналари ибтидоий одамлар маишати ва фаолиятининг барча жиҳатлари билан узвий боғланган бўлиб, қадимий кишиларнинг диний, мифологик ва эътиқодий қарашлари, бошланғич илмий билимлари, табиат ва жамият ҳақидаги тасаввурларини акс эттирган. Бироқ қадимий фольклорнинг бундай намуналари бизгача етиб келмаган. Ёзувнинг юзага келиши натижасида фольклор билан тарихан боғлиқ бўлган адабиёт ҳам пайдо бўлди. Адабиёт ўзининг тараққиёти давомида фольклордан деярли барча эстетик тушунчалар ва поэтик шакллари олди. Сўз санъатининг мустақил тури сифатида фольклор ҳам адабиёт биргаликда ёнма-ён яшаб келди. Фольклор ва адабиёт асарлари яратилган ижтимоий муҳитдаги фарқлар, ижодий жараённинг хилма хиллиги уларнинг ўзларига хос хусусиятларини янада кучайтирди. Натижада фольклор ва адабиёт оғзаки ҳамда ёзма тур сифатида шаклланди ва ривожланди.

Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли кабилар фольклорнинг халқ оғзаки ижоди, бахши қўшиқчиларининг намоёндаларидир.

Халқ оғзаки ижоди намуналари:

- | | |
|-----------------|----------------------|
| А) қўшиқлар; | Ё) олқишлар; |
| Б) мақоллар; | Ж) қарғишлар; |
| В) дostonлар; | И) маҳаллий уйинлар; |
| Г) топишмоқлар; | Й) тез айтарлар; |
| Д) эртақлар; | К) аскиялар; |
| Е) лапарлар; | Л) латифалар. |

Эргаш Жуманбулбул ўғли 1868 йилда Нурота туманига қарашли Қўрғон қишлоғида туғилган. Шоир ота боболари шу қадар дoston айтишга моҳир эдиларки, уларнинг ижро усулида ўзига хослик Эргаш туғилган қишлоқ номини ўзбек дostonчилигидаги алоҳида мактаб сифатида тан олинисига сабаб бўлди. Эргаш Жуманбулбул ўғли эса бу мактаб номини абадийлаштиришга муносиб ҳисса қўшди. 1875-76 йилларда Жуманбулбул ўғлини қишлоқ масжиди ҳузуридаги мактабга ўқишга беради. Ўқишга бўлган ҳавасини ота Бухоро мадрасасида ўқитади. Натижада, Эргаш шоир ўз давридаги ўнлаб бахшилардан фарқли равишда ўқиш ёзишни ўрганди. Низомий, Навоий, Машраб каби шоирлар асарларини мутолаа қилди, ҳатто кейинчалик мирза котиб бўлиб ишлади.

Эргаш шоирнинг шахсий ҳаётида оилавий мусибатлар кўп бўлди. 18 ёшида унинг отаси вафот этган. Укалари Абдуҳалил, Абдужалил, синглиси Маҳкамой ёш пайтларида дунёдан кўз юмганлар. Шунинг учун шоирнинг термаларида оилавий бахтсизлик ҳақидаги мисралар ижодининг салмоқли қисмини ташкил этади. Хусусан, укаси Абдуҳалил ўлими билан боғлиқ айтган йиғида шундай дейилади.

Эмранди танимда жоним,
Ҳазон бўлди гулистоним,
Йиғлашиб ёр-ёроним,
Бемаҳал қуриб бўстоним,
Қўлдан учди бўз тарлоним,
Эшитинглар қадрдоним,
Ёлғиз иним суянганим,
Шунқоримдан жудо бўлдим.

Оилавий қийинчилик ва ташвишлар бахшининг умр бўйи Самарқанд, Зарафшон атрофида қишлоқма-қишлоқ дoston, терма айтиб юришга мажбур қилди. Аммо шу билан бирга бу муттасил сафарлар уни одамларга танитди, машҳур бахши сифатида ном қозонишга олиб келди, бахшилиқ санъатининг мукаммал эгаси, устоз шоир бўлиб етишишига сабаб бўлди. Эргаш шоир умри давомида яна ўқитувчилик, деҳқончилик билан шуғулланди. Ҳаётининг сўнгги йилларида асосан дostonларни ёздирди, дoston айтди, термалар яратди. Эргаш Жуманбулбул ўғли Равшан Кунтуғмиш дostonларини ана шундай муҳаббат билан ижро этган. Шунингдек бахши Алпомиш, Қундуз билан Юлдуз, Далли, Хушкелди, Авазхон, Хасанхон каби ўнлаб дostonларни мароқ билан ижро этган.

Шоир ижодига хос хусуиятлардан бири ижросидаги дostonларнинг сюжет ва композициясидаги мукамаллик эди. Ёзма адабиёт намуналаридан яхши хабардор бўлгани сабабли бахши Алишер Навоий дostonларидаги мукамалликни оғзаки ижодга татбиқ этади.

Профессор Ҳоди Зарифов шоир ҳаётининг сўнгги ҳақида ҳикоя қилиб, бахши ўз юртига бориб, бир қатор кўлёмаларни топмоқчи бўлганини, янги янги термалар, дostonлар айтиб беришга ваъдалар қилганини ёзади. Бироқ оғир

касалликдан шоир 1937 йил 12 май куни вафот этади. Зукко бахшидан қолган бадий мерос бугунги кунда юртимиз келажаги учун хизмат қилмоқда.

Фозил Йўлдош ўғли 1872 йилда Самарқанд вилояти, Булунғур туманига қарашли Бўдана ҳудудидаги Лойқа қишлоғида туғилди. Унинг оиласи асосан деҳқончилик, қисман чорвачилик билан шуғулланарди.

Тақдир Йўлдошни жуда ёшлигидан синовдан ўтказа бошлади. 1877 йилда 5 ёшли Йўлдош отасидан етим қолди.

Қайта-қайта бахшилар даврасида иштирок этиш эса кўп ўтмай ўз даврининг энг машҳур устоз бахшилардан Йўлдошбулбулнинг эътиборини ўзига тортди. Ёш ижрочи ўз устози ва ҳамюртларидан қирқдан ортиқ дostonни ўрганди, ижод этди. Йўлдошбулбул ўз шогирди Фозил Йўлдош ўғлини бахшиликнинг катта синовидан ўтказди.

Фозил шоир дostonида кўрган кечирган азоб уқубатларини оддий халқ тилидан содда ва равон тарзда ифода этган. У “Алпомиш”, “Ёдгор”, “Ширин билан Шакар”, “Муродхон”, “Рустамхон” каби дostonларнинг моҳир ижрочисидир.

Ҳар бир инсон болалигидан бошлаб ўзи билмаган ҳолда катта одамларнинг эътибори қаратилган мўъжизавий мавжудотга айланади. Катталар унга исм қўядилар, бешикка белайдилар, аллалар айтадилар, қўлчаларига овоз чиқарувчи ўйинчоқлар тутқазишади. Бир оз гап эшитадиган бўлгани заҳоти овунмачоқлар айтишади. Кейинчалик эса фарзанд топишмоқлар, эртақлар, қўшиқлар оламига кириб халқ расм – русумлари, оғзаки ижоди оғушида улғая боради.

Халқ қадим замонлардан фарзандларнинг маънавий ва жисмоний тарбиясига алоҳида эътибор билан қараган. Агар аллалар, эртақлар унинг маънавий дунёсини бойитса, турли ўйинлар: қувлашмачоқ, бекинмачоқ, чиллак, варрак учириниш кабилар жисмонан чиниқтирган. Ёш болалар алоҳида эътиборга лойиқ халқларда эса улар учун махсус сўз намуналари яратилган. Ўзбеклар ана шундай халқлар қаторидан муносиб ўрин оладилар. Тез айтишлардан тортиб аллаларгача, топишмоқлардан тортиб санамачоқларгача бевосита ёш авлод тарбиясига бағишланган болалар фольклори жанрларини, намуналарини ташкил этади.

3. Маҳаллий услублар.

Маҳаллий услубида ижро этишда ҳудудга хосликга амал қилинади. Қўшиқлар ва ҳаракатларда шевага хос сўзларни ишлатиш, қўшиққа ва маҳаллий услубга хос бўлган рақсларни саҳналаштириш, маҳаллий либосларни танлаш, либослар турларини ажрата олиш, меҳнат кийимлари, байрам ва сайл кийимлари, мавсумий кийимлар орасидаги фарқларни билиш ва таҳлил эта олиш тавсия этилади.

Ҳар бир ҳудуднинг ўз услублари мавжуд. Уларнинг кийимлари ёки қўшиқларига қараб қайси услубда куйлашгани ва қаердан эканликларини билиб олса бўлади.

Ўрта Осиё халқларининг кийим-кечаклари кўп асрлик тарихга эга. Ҳар бир элат ва этник гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятли бош оёқ кийимлари

бўлсада минтакада яшовчи энтослар умумий характердаги сарпо мавжудлиги, уларнинг тарихий тақдири маданияти узок давр билан ўзаро яқин бўлганлигидан далолат беради.

Меҳнат ва байрам кийимлари. Аёллар кўйлагининг ёқаси вертикал йирмончи кесилган бўлиб, кўп жойларда бутун бўйига гулли жўяк тикилган.

Маҳаллий услубларда “Фольклор” кўшиқларини куйлаганда Хоразмда “Акардион”, “Дутор”, “Шиқилдоқ”, “Доира” каби миллий чолғу асбоболаридан фойдаланилса, Бухорода “Қайроқ”, “Қошиқ”, “Ангишвона”, “Тарелка” ва турли хил шиқилдоқлар, Сурхондарё ва Қашқадарё томонларда “Чанқовуз”, “Карнай”, “Сурнай” ва шу каби миллий чолғу асбобларидан фойдаланилади.

Шу билан бир қаторда ҳар бир ҳудуднинг ўз байрам кийимлари бўлади.

Байрам кийимлари, Сайл кийимлари, Мавсумий кийимлар, Уларнинг фарқи, кийимларнинг вазифалари, меҳнат ва байрам кийимлари, аёллар кўйлагининг ёқаси вертикал йирмончи кесилган бўлиб, кўп жойларда бутун бўйига гулли жияк тикилган.



4. Болалар фольклор кўшиқлари ва рақс ҳаракатлари.

Ўзбеклар болалар фольклорига оид асарларни бир неча асрлар олдиноқ ҳозирги замон педагогикаси талабларини ҳис этгандек яратганлар. Аслида халқ бу талабларни ўзича ҳисобга олган. Педагогика фани эса уларни кейинчалик кашф қилган. Хусусан болалар учун яратилган асарларнинг тили содда, маъмуни эса эсда қоладиган бўлиши лозим. Шунингдек бу асарлар албатта тарбиявий аҳамият касб



этгани ҳолда, болаларда, халқига, ватанига, қадриятларига, аجدодларига ҳурмат руҳини шакллантириши керак. Бундай намуналар фарзандларимизнинг маърифий озуқаси ҳисобланади. Бўрининг йиртқичлигини, тулкининг айёрлигини улар дастлаб ўзларига аталган эртақлардан билиб оладилар. Айни пайтда, бундай асарлар болада гўзалликка интилиш туйғусини уйғотишга ҳам мўлжалланган бўлади.

Ота-боболаримиздан авлоддан–авлодга ўтиб келаётган болалар фольклор кўшиқлари, рақсларини келажак авлодга етказиш бизнинг бурчимиздир. Ижро этиш кўникмалари шакллантирилади. “Офтоб чиқди оламга” кўшиғи ва рақси

магнитофон орқали эшиттирилади. “Офтоб чикди оламга” кўшиги матнига мос овоз машқи ва рақс ҳаракатлари ижро этилади. Кўшиққа мос кийимлар танлай олиш ҳам муҳимдир.



Фольклор кўшиқларини айтиш ва рақсларини ижро этишда болалар қайроқ, рубоб, махсус ясалган от, той қамчи ва шу каби асбоблардан фойдаланадилар.

Болалар томонидан ёки болалар учун катталар томонидан яратилган оғзаки ижод намуналари болалар фольклорига киради. Бола тарбиясида

фольклорнинг роли жуда катта. Фольклор баъзан рақслар билан ижро этилади. Болалар фольклорининг доираси нихоятда кенг бўлиб, унинг намуналари халқ оғзаки ижодининг деярли барча жанрларида мавжуд. Булар **бешик кўшиғи**; Алла, **тўй кўшиқлари**; Лапар, ёр-ёр; мавсум **маросим кўшиқлари**; “Читти гул”. Болалар ўйинлари ва ўйин билан айтиладиган кўшиқларнинг кўплари йил фасллари билан боғланган. «Бойчечак», «Лайлак келди-ёз бўлди», «Қурбақа», «Қалдирғоч» сингари кўшиқларни болалар том бошларида, далаларда, қишлоқ кўчаларида, девор-томларида айтишади. Кўп кўшиқлар ота-оналарнинг меҳнат жараёни билан боғланган. Улар болаларнинг «Тепдим сандик очилди» сингари кўшиқларига ўхшаб тўқилган.



Улар мавзу жиҳатдан жуда кўп турларга бўлинади.

Болаларнинг ёшлигидан бошлаб руҳий чиниқтиришда қофиядош сўзларни оҳангдор қилиб айтишга ўргатишда фольклор кўшиқлар ва ўйинларининг тарбиявий аҳамияти катта.

Ўйин рақс фольклори

Читти гулей, читти гул,

Этагинга гул босдим.

Ҳаю читти гул,

Ҳаю читти гул.

Кўлинг гулбоғда бўлсин,

Белинг белбоғда бўлсин.

Ҳаю читти гул,

Ҳаю читти гул.



Болалар фольклорида шундай кўшиқлар борки, уларнинг айримлари қадимги даврларда муайян маросим ва урф–одатлар билан боғлиқ бўлган. Шундайлардан бири “Бойчечак” кўшиғи.

Бойчечагим боласи,
Қулоғида донаси.
Донасин олай десам,
Чиқиб қолди онаси.
Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан югуриб чиққан бойчечак.

Болаларнинг фикрлаш доирасини кенгайтиришда, уларни воқеа ва фасллар билан таништиришда мавсум кўшиқларининг аҳамияти катта. “Офтоб чиқди оламга” каби кўшиқлар шулар жумласидандир.

Офтоб чиқди оламга,
Югуриб бордим холамга.
Ана дала, ер. Деди,
Холам ўтин тер деди.
Ўтин тердим бир кучоқ,
Билмадим сира чарчоқ.
Холам кулча ёпдилар,
Пешонамдан ўпдилар.

Қиз болаларнинг тўп (копток) ўйинларида қуйидаги кўшиқ ижро қилинган.

Бирим-билан,	Олтим-олтов,
Икким-илон,	Еттим-етов.
Учим-учак,	Саккизим-сақлан,
Тўртим-тўшак,	Тўққизим-тўқлан,
Беши-бешов,	Ўним-бужмак.

Бу кўшиқ коптокнинг ер ёки деворга урилишига ҳамоҳанг бўлиб, у орқали ютуқлар сони ҳисобланади.

Тўп ўйинида ютган қиз ўз шодлигини кўшиқ қилиб қуйлаши ёки бирор ўйинда ютқазган ўртоғига шарт қўйиши мумкин.

5. Хоразм фольклор кўшиқлари.

Хоразмда асосан халфачилик йўналишидаги ижро йўллари кенг тарқалган. “Айланайин галинни қадди бўйинан” кўшиғи Хоразм ижро йўлида ижро этиладиган кўшиқлардан биридир. Кўшиқ матни, кўшиқдаги ўз шевасига хос сўзлар ўрни ва уларнинг ишлатилиши, аудио тасма орқали ўқувчиларга эшиттириб, кўшиқ матни ёздириш ва сахналаштириш орқали ўқувчиларнинг билим ва малакаларини шакллантириш зарур. Бу Хоразм болалар фольклор кўшиқларини ижро этиш ва унга хос бўлган рақсларни ижро этиш орқали амалга оширилади.

Халфаларнинг кўнғироқдек жарангдор ва майин овози пиёланнинг нозик ва ўйноқи жаранги билан кўшилиб, ўзига хос мусийлик кашф этган. Улар маъракаларнинг файзи, қизлар мажлиси ва аёллар базмининг маликалари, тўй ва маъракаларда қувончга – қувонч кўшиб, ўйноқи куйлар, нафис рақслар, дилбар ашулалар билан қалбларда эзгу хис-туйғуларни шакллантирганлар. Халфа ижодкорлари бу воҳадаги тўй, сайл ва аза маросимларида қатнашган, хотин-қизлар даврасини мазмунли, ибратли ва қувноқ ўтиши улар фаолияти билан боғлиқ бўлган.

Хоразмда аёл ашулачилар “халфа” деб юритилса ҳам улар фақат ашула айтиш билан чекланмаганлар. Халфачилик санъатининг кўп турларидан хабардор бўлганлар. Халфачилик санъатини ўрганиш ҳам ўзига хос мактабга эга бўлган, устоз-шогирд анъанаси ҳозирги давргача сақланиб келмода. Устоз халфа ижрочиларининг ижро услуби, куйлаш йўли, репертуари шогирдлар томонидан пухта ўзлаштиргандан кейин улар мустақил ижод қилишган ва санъаткорлар орасида тан олинган.

Хоразмда маълум ва машҳур бўлиб келган халфа ижодкорлари XX асрнинг бошларигача фақат хотин-қизлар орасида куйлаб келишган ва халқ хурматини қозонганлар.

Aylanin galinni qaddi bo'yinnan

M.M. ♩ = 100



Галин билка галар қадамин босиб,
Этгай бирга ўйнаб гулмаклар насиб.
Иккиси ҳам бир-бирига муносиб,
Айланаман галинни қадди бўйиннан.

Галин билка кийганлари баройи,
Гуёв бола қадди бўйи чиройли.

Иккисин ҳам ўн тўрт кунликдир ойи,
Айланаман галинни қадди бўйиннан.

Галин бика хино ёқар кўлина,
Гуёв йигит чаман боғлар бўйнина.
Тақиб кўяр тилло узук кўлина,
Айланаман галинни қадди бўйиннан.

6. Сурхон фольклор кўшиқлари.

Сурхондарё кушонлар Бактерияси даврига хос қадимий маданият унсурларини ўзида сақлаб келаётган этнофольклор ҳудуд ҳисобланади. Бу воҳада туркий ва эроний халқлар тарихи ҳамда маданияти чатишиб кетган.

Шунинг учун аҳолисининг асосий қисми ўзбек ва тожик тилларида бемалол гаплашади. Бу эса халқ ижодиётида ҳам маълум даражада акс этади. Сурхондарё санъати, урф одатлари ва моддий маданиятида қадимий сўғд, туркий ва шарқий эрон халқлари этномаданиятини ўзаро чатишуви сезилади. Бу анъана ва одатлар, фольклор жанрлари ва уларнинг ижроси, мусиқа, рақс, тасвирий ва амалий санъат кабиларда кўринади.

Сурхондарёнинг халқ мусиқий ижодиёти этноснинг ижтимоий-маиший, ижтимоий рухий хусуиятларга боғлиқ ҳолда асрлар оша шаклланиб келган. Кўпгина халқ кўшиқлари, айтишувлари, лапарлари, мотам кўшиқлари ва чолғу куйлари халқ урф одатларига боғлиқдир.

Мусиқий ижод воҳанинг барча туманларида кенг тарқалган урф одатлар (мавсум, тўй, мотам, диний,) бешикка солиш, меҳнат, баъзан тарихий ва маиший мавзулар билан боғлиқ кўшиқлар ижод қилинган. Терма, кўшиқ, лапар, ялла ва ашула каби махсус кўшиқ жанрлари ҳам кенг тарқалган.

Воҳанинг ўзига хос этник таркиби мусиқий фольклорнинг айрим тур ва жанрларига маълум даражада таъсир қилган. Кўпчилик туманлар ва айрим қишлоқларда маросим ва меҳнат кўшиқлари асосий ўрин тутди. Уларда тўй тантаналарида сурнай ва доира жўрлигида мусикалар янграйди. Айрим туманларда эса ўзигагина хос кўшиқ турлари ва жанрлари мавжуд. Хусусан, Бойсун тумани қишлоқларида касалликни ҳайдаш билан боғлиқ сўфийлар урф одатларига хос “жаҳр” кўшиқлари сақланиб келади. Жаҳр кўшиқлари кучли ҳиссиёт –жазава билан, чолғу асбоблар жўрлигисиз Қуръон суралари ва Аҳмад Яссавий шеърлари айтилган ҳолда ижро қилинади.

Муайян меҳнат жараёнлари билан боғлиқ кўплаб меҳнат кўшиқлари яратилган. Бойсунда ҳозир ҳам омон билан ер ҳайдалади. Қўл тегирмон, ёрғичоқ, сув тегирмони, мойжувоз ишлатиб келинади. Аёллар сугир, эчки, қўй соғиш чоғида ижро этадиган “Хўш-хўш”, “Турей-турей”, “Чурей-чурей” каби жозибали оҳангли кўшиқлар жуда қадимийлиги билан ажралиб туради. Тўқиш, жунга ишлов бериш ва қўл тегирмони ишлатиш пайтида ижро этиладиган “Чарх”, “Ёрғичоқ”, “Ўрмак” кабилар ҳам аёллар кўшиғи ҳисобланади. Бир қатор меҳнат ва мавсум кўшиқларини ўз йўналишига кўра тотемизм ва шаманизм билан боғлиқ, оташпарастлик, анимистик афсун, сеҳр жоду кўшиқлари қаторига киритиш мумкин. Улар Сурхондарё воҳасининг қадим тарихи билан боғлиқдир. Бу кўшиқларда табиат қудрати, афсонавий мавжудотлар мадҳ этилади.

“Жаҳр”, “Садр” каби турли йиғинларда ижро этиладиган кўшиқлар бахшиёна оҳангда кучли ҳаяжон билан куйланади. Қатъий оҳанг мазкур кўшиқларнинг мусиқий жиҳат ўзига хослигини белгилайди. Муайян бир касб ва ҳунар билан боғлиқ “Новвойлар кўшиғи”, “Зан-зан”, “Хавор-хавор”, “Тегирмон кўшиғи” каби меҳнат кўшиқлари ҳам қадимий илдизга эга. Айрим туманларда “Баҳор келди”, “Турналар келди”, “Қор ёғди” каби лирик мавсумий кўшиқлар ҳам кенг тарқалган.

“Йиғи”, “Йўқлов”, “Овоз солиш”, “Овоз бароварди”, “Нола” каби мотам кўшиқлари ҳудуд аҳолиси орасида ҳозир ҳам қўлланиб келинади.

Уларни одатда, аёллар фақат мотам маросимларида эмас, балки бошқа қайғули воқеалар муносабати билан ҳам аламли оҳангда ижро этади.

Бадиҳа тарзида, чолғу асбобисиз, фақат аёллар ижро этадиган “Алла” кўшиғи алоҳида қатламни ташкил этади.

Муסיқа тўй тантаналари жараёнларида ҳам муҳим ўрин тутати. “Ёр-ёр”, “Ўлан”, “Ал муборак”, “Тўй муборак”, “Келин салом” ёки “Ҳазор али” каби кўшиқлар шулар жумласидандир. Сурхондарёнинг айрим туманларида ўтказиладиган тантаналар чангқобуз ёки доира оҳанглари жўрлигида ўтказилади. Бахшилар томонидан ижро этиладиган достонлар тўй тантаналарида муҳим ўрин тутати. Халқ сайиллари ёки мавсумий тантаналар чоғида дорбозлар масхаробозлар чиқишлари кураш кўпкари ёки улоқ мусобақалари ўтказилади. Шунингдек воҳадаги сайил ва тантанали маросимларда овчилик удумлари чорвачилик халқ хунармандчилиги билан боғлиқ болалар ва катталар турли ўйинлари оммалашиб кетган.

Сурхон рақсига хос ҳаракатлардан ташкил топган эркаклар ва аёллар рақслари ҳам алоҳида эътиборни тортади. Бойсун рақслари айниқса кенг тарқалган. Айниқса “Қошиқ ўйин” “Қайроқ ўйин” каби аёллар рақслари ўзининг жозибаси билан диққатни жалб этади. “Сарбозча”, “Қилич ўйин” каби эркаклар рақслари ўзининг жанговар хусусияти билан ажралиб туради.

Сурхондарё эпик халқ ижодиёти ранг баранг жанри мавзуси тасвир имкониятлари ва ижро усуллари кенглиги билан ўзига хосдир. Воҳа эпик халқ ижодиёти ўзига хос маҳаллий услубга эгалиги билан ҳам ажралиб туради. Халқ оғзаки ижодининг умрбоқийлиги унинг халқ томонидан доимий эъзозланиши билан белгиланади.

Инсониятнинг асрий орзуси айниқса қахрамонлик эпосида ёрқин акс этади. “Алпомиш” достони худди шундай ўлмас адабий обидадир. “Алпомиш” достони айнан Сурхондарёда 1926-1929 йиллардан Абдукарим бахшидан ёзиб олинган. Унинг оммавийлиги ва қадрлилиги шундаки бу асарда эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси ҳақиқат ва инсонпарварлик каби азалий мавзулар акс этган.

Сурхондарё эпик бахшилар мактаби қатор маҳаллий мактабларга бўлинади. Достон ва термалар бахшилар томонидан дўмбира жўрлигида айтилади. Достонлар ижроси соҳасида Шеробод-Бойсун, Денов, Қумқўрғон каби бахшичилик мактаблари алоҳида ажралиб туради. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон халқ бахшилардан Шоберди Болтаев Хушвақт Мардонкулов кабилар ижрочилик анъаналарини давом эттириб келмоқда.

Сурхондарё муסיқасида торли пуфлаб чалинадиган ва зарбли чолғу асбобларининг деярли барча турлари мавжуд. Археологик қазилмалар чоғида топилган чолғу асбоблари орқали бу чолғу асбобларининг қадимий кўринишлари тўғрисида ҳам тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Сурхондарё жанубидаги Айритом қишлоғидан топилган уч жуссали ҳайкалчанинг ҳар бирининг қўлида уч хил чолғу асбоби акс эттирилган. Сурхондарёда дўмбира дутор, калта дутор, чилтор, рубоб, қобуз ва ғижжак-чангқобуз каби торли сурнай, чўпон най, гажир най, най, най шувуллак, сибизға, камиш най каби пуфлаб чалинадиган, доира, ноғора, зилбом, дўл ёки довул каби зарбли муסיқа

асбоблари кенг тарқалган. Бу асбоблардан ҳам якка ҳам жамоа ижроларида кенг фойдаланилади. Бу ерда дўмбира бахшилар чолғуси сифатида чангқобуз ва доира аёллар чолғуси сифатида кенг оммалашган.

Қадимий кўшиқ ва куй рақс дostonлар фақат халқ ёдидагина яшамаяпти. Улар “Шалола” халқ ансамбли “Бойсун”, “Кўнғирот” фольклор ансамбллари “Қуралай” болалар фольклор-эстрада ансамбли каби жамолар репертуарига ҳам киритилган.

Кўшиқ-кишилар тарихи ҳаёти ва маиший турмуши уларнинг орзу ва умидлари дунёқараши ва руҳияти ифодасидир. Ҳозирги пайтда воҳадаги ансамбллар республика миллий кўшиқчилик анъаналарини хусусан Сурхондарё мусиқа фольклорини асраш юзасидан катта ишларни амалга оширмоқда.

7. Тошкент, Фарғона фольклор кўшиқлари.

Тошкент, Фарғона фольклор кўшиқлари асосан ялла ва лапарлардан иборат. “Жамалаги тилло қизгина” ҳамда “Ялла жоним, ялла” кўшиқларини Тошкент, Фарғона ижро йўлида ижро этиш услублари шакллантирилади. Кўшиқ матни, кўшиқдаги ўз шевасига хос сўзлар ўрни ва уларнинг ишлатилиши, аудио тасма орқали эшиттирилтб кўникма ҳосил қилинади. Тошкент, Фарғона фольклорларини, унга хос бўлган рақсларни ижро этиш орқали билимлари янада мукаммаллаштирилади.

Яллолашайлик.

Р. Авезов шеъри (Тошкент-Фарғона маҳаллий услуби)

Нақорот.

Яллама-ёрим яллола, яллолашайлик.

Учтами-тўртта бир бўлиб, хандонлашайлик.

Келди баҳор жўралар, ўлкам яшнайдим бу кун.

Хандон отиб йигит-қизлар, хурсандлашайлик.

Нақорот.

Жамалагин тортмангиз, қизлар хафа бўлмасин.

Нохуш сўзлар айтмангиз, кўнгли ғамга тўлмасин.

Нақорот.

Келинг қизлар, қалбимиз нурга тўлсин, ўйнайлик,

Кошонамиз-уйимиз гулга тўлсин, куйлайлик.

Нақорот.

Меҳр- вафо андиша шиоримиз-ваъдамиз.

Қўлни қўлга берайлик гуллолашайлик.

Нақорот.

8. Бухоро фольклор кўшиқлари.

Бухоро фольклор йўналиши мусиқа услубида созандачилик санъати ҳам шаклланган бўлиб, у аёллар ижоди билан боғлиқдир. Созанда-бу яккагон

айтимчи бўлиб, у қўлида қайроқ ҳамда доира билан куйлайди. Мазкур услубнинг ўзига хос жиҳатларидан бири-икки тиллилик, яъни ўзбек ва тожик тиллари анъанасининг намоён бўлишидир. Фақат бир тилда–ё ўзбек, ё тожик тилида куйлаш учун ижод этилган халқ кўшиқлари ҳам учрайди.

Бу қадимий шаҳар Бухорода чолғу асбоблари турларининг бойлиги билан ажралиб туради. Бухоро мусиқа фольклори кўп жиҳатдан тожик мусикаси маълум даражада умумийликка эга бўлиб, тарихий тақдири деярли ўхшашдир.



“Бухоро мавригиси”

нинг ўзбекча варианты

Дилбарим уйғонмади деб
шубҳаланма кўзларим,
Уйғониб юпқа томоққа бокса
маржондан.

Сен эй Лайлидек, Раънодек
Ажойиб дилраво дерлар.
Мани Мажнуни шайдодек
Кўйингда бир гадо дерлар.

Кеча-кундуз эшигингда,
Фироқу нолалар қилсам.
Ки ҳар чи не наво қилсам,
Ҳанузам бе наво дерлар.

Юриб сўрдим табиблардин,
Бу дардимга даво борми
Табиб айтурки, эй нодон,
Бу дардни бедаво дерлар.

Қани Лайли, қани Мажнун,
Қани Ширин билан Фарҳод,
Улар ўтди бу оламдин,
Бу оламни бедаво дерлар.

9. Мавсумий кўшиқлар.

Фольклорнинг мавсумий кўшиқлари марказий Осиё минтақаси халқлари оилавий ва жамоавий байрамларни ўтказишда, деҳқончилик, диний маросимлар вақтида мусикадан кенг фойдаланилган. Тўй маросимларида чолғу куйлари, кўшиқ ва рақслар муҳим ўрин тутди. Турли хил тадбирларда болалар кўшиқ ва

Хей, ёринг мани ёринг мани,
Ёри вафодоринг мани эй.
Хаста ғулومинг бўлайин,
Сочингга банди бўлайин.

Сочинг белингга тушган эй,
Белбоғинг ерга тушган эй.
Қошинг камонга тушган эй,
Жоним нишонга тушган эй.

Чақ чақи дандонат занад,
Бақ бақи дандонат занад.
Ҳамтў равам да пешатон,
Чақ чақи дандонат занад.
Аз ғаматон мурам мани,
Бақ бақи дандонат занад...

*(Бухоро. Ғиждувон шахри,
фольклор шайдолари Бақоев
Насриддин ва Бақоева Истат она
ёрдамида ёзиб олинди)*

раксларидан ўринли фойдаланиш шу тадбирнинг мароқли кечишига, бадий тимсолларнинг аниқ равшан ечимига шароит яратади.

Фолклор қўшиқларининг халқ сайилларида куйланиши, уларнинг меҳнат қўшиқлари, фаслий қўшиқлар ва мавсумий қўшиқларга бўлиниши.

Қўшиқларда халқнинг орзу-истакларини баён этилиши, рағбатлантирилиши, бахт ва қувончни тараннум этилиши, меҳнатга иштиёқни ошириш. Мавсумий қўшиқларини ва унга хос бўлган рақсларни ижро этиш.

А) Баҳорги мавсумларга алоқадор маросимлар

Суст хотун, султон хотун,
Кўланкаси майдон хотун,
Хаво ёғмас бўлса, Суст хотун,
Томчи томмас бўлама, Суст хотун,
Сел опкетмас булама, Суст хотун,

Б) Ёзги мавсумларга алоқадор маросимлар

Чой, чой, чой момо,
Чой момоси ўлибди,
Боса-боса беринглар,
Босилиб қолсин бу шамол.
Уга-уга беринглар,
Ўғилиб қолсин қув шамол.

В) Кузги мавсумларга алоқадор маросимлар

Ҳайдар–ҳайдар,
Ота-онанг ўлибдир,
Моли сенга қолибдир,
Боланг сувда оқибдир,
Шамолингни қўйиб бер.

Г) Қишки мавсумларга алоқадор маросимлар

Қишки маросим фольклорига “тап-гаштак” маросимлари киради.

Алёр бўлсин-ай,
Хўжам ёр бўлсин-ай.
Хўжам берган давлатга
Душман зор бўлсин-ай

«Ғижим рўмол»

(Мавсум қўшиқлар туркумидан)

Ғижим рўмолинг бўлса ё,
Кўрпа қатига турса.
Юртимиз обод бўлса ё,
Бошда хилпираб турса.

18 ёшимдаё касби –
хунарни танладим ,
Энди ватан хизматига
Чиндан белимни бойладим.

“АЛЛА”

(Мавсум-маросим ва урф –одат қушиқлар туркумидан)

Болаларни ухлатиш вақтида оналар томонидан қўйланган қўшиқлар алла деб аталади. Ўтмишда Алла қўшиқларида захматкаш, муштипар, эзилган мазлум шарқ онаси образи гавдаланади. Унинг бетиним ҳатти – ҳаракати, беминнат меҳнати туфайлигина мурғак гўдак улғаяди, вояга етади. Онанинг меҳри дарё, дейдилар. Аллаларда оналарга хос бағри кенглик, қуёшдай меҳрибонлик Майин, дил қаъридан сизиб чиққан ёқимли қуйлардай таралади. Уларда эзгу орзу- ҳаваслар, умидбахш яхши ниятлар, онанинг бола келажаги ҳақидаги орзу – ўйлари чиройли тасвирий бўёқларда қуйланади. Алла нақаротларида бешик ёки беланчакда ётган боланинг номи қўшиб айтилади. қўшиқни онанинг ўзи, чолғусиз ижро қилади.

Сенга қўйдим яхши от, Алла,
Яхши ниятдир мурод Алла.
Юрту элга суянсанг, Алла,
Сенга бўлғуси қанот, Алла.

«Ўроғим олмос»

(Меҳнат қўшиқлари туркумидан)

Ўроғим олмос ,
Ўришдан қолмас,
Сира ҳам толмас,
Ўрмасам бўлмас.

Ғужмоқи буғдой,
Донгинанг тўқ –ай.
Тўп бўл, ўрайлик,
Хўпда кўрайлик.

Ўроғим чаққон,
Сен менга ёкқан,
Қўлгинам чаққон,
Меҳнат-да боққан.

«Ха дурса, дурса, дурса.»

(Эркаланма қўшиқлар туркумидан)

Ха дурса, дурса, дурса,
Отим бозорга борса.
Сабзи, пиёз келтирса,
Онаси пазанда бўлса.

Ха дурса, дурса, дурса
Отаси бозорга борса.
Ширмойи нон келтирса,
Боласи хўранда бўлса.

10. Лапарларни ёд олиш ва ижро этиш қоидалари.

Ўзбек тўй-маросим қўшиқларида лапар муҳим ўрин эгаллайди. Лапарлар бошқа қўшиқлардан воқеабандлиги, рақсбоп куйга эга бўлиши ҳамда диалог шаклида икки қўшиқчи томонидан ижро этилиши билан ажралиб туради. Лапарлар асосан ишқ-муҳаббат, ҳазил, рўзғордаги тотувсизлик, ота-оналарнинг фарзандлари билан бўлган муносабатлари кабилар баъзан енгил, баъзан аччиқ кулгу орқали акс эттирилади. Лапар қўшиқ сифатида асосан кичик диапазонли, шакли тузилиш жиҳатидан икки қисмли бўлади.

Катта ашула- оғзаки анъанадаги профессионал мусиқанинг йирик шаклидаги ашула жанридир. Патнус ёки тарелкани резонатор каби ишлатилгани учун уни халқ орасида “Патнусаки ашула” деб ҳам аташади. Катта ашула, асосан, икки баъзан уч-тўрт ўқувчи томонидан созлар жўрисиз ижро этилади. Катта ашула жанри асосан Фарғона водийси ва Тошкент вилоятида кенг тарқалган.

Ашула- лирик характердаги жанр бўлиб, методик-интонацион ривож, метро-ритмик, шакли ва ҳажми мураккабдир. Ашулада қўшиқларга нисбатан ритмик шакл эркин куй ривожланиши ва диапазони кенгдир. Ашулалар лирик ғазал ёки халқ сўзларидан ташкил топади. Фалсафий маъноли фикрга эга бўлган, шунингдек, алам ва ҳасратни ифодаловчи мазмун кўпроқ ашула мвзуси учун хосдир.

Эрта билан тураман

Эрта билан тураман, наҳори нашта-ё, наҳори нашта,
Ўнг қўлимда игнаю, тиззамда кашта-ё, тиззамда кашта.
Бориб айтинг ўша қалами қошга-ё, қалами қошга,
Ҳо, бораверади-келаверади, ваъдаси бошқа-ё, ваъдаси бошқа.

Эй нозли ёрим, кўзи хуморим,
Меҳр билан менга қаранг, вафоли ёрим-о, вафоли ёрим.

Ўйинга тушган укамнинг нози чиройли-га, нози чиройли,
Ўнг юзига ярашган ҳоли чиройли-га, ҳоли чиройли.
Ўнг юзига ярашган ҳоли бўлсачи-ё, ҳоли бўлсачи,
Ҳо, савлатига ярашган ёри бўлсачи-ё, ёри бўлсачи.

Ей нозли ёрим, кўзи хуморим,
Меҳр билан менга қаранг, вафоли ёрим-о, вафоли ёрим.

Доира дум-дум

Доира дум-дума, баҳори мавсум-а,
Келса баҳор гулгунчалар қилар табассум-а.

Юрак дук-дук уроди ёр олдиға боргани,
Сўзи учун бораман-о, дардға даво олгани.
Доира дум-дума, баҳори мавсум-а,
Келса баҳор гулгунчалар қилар табассум-а.

Кўринг юқори тоғда кеча-кундуз ёғар қор,
Айрилиб кетай десам-о кичикликдан севган ёр.
Доира дум-дума, баҳори мавсум-а,
Келса баҳор гулғунчалар қилар табассум-а.

Лапар айтиш анъанаси ҳозир Тошкент вилоятининг Бўстонлик, Поркент, Пискент, Янгийўл, шунингдек, Жанубий Қозоғистоннинг Туркистон ва Чимкент музофотларида анъана сифатида ҳамон давом этиб келмоқда. Таниқли фольклоршунос Т.Мирзаевнинг таъкидлашича “илгари обу-ош тортилгач, ҳовлида гулхан ёкилиб ҳовли базми ўтказилган. Шундан кейин қизлар рўмол ёйилган уйга, яъни келиннинг сепи ёйилган махсус тайёрланган уйга кирганлар. Қизлар уй ичида йигитлар ташқарида – эшик олдида ёки қизлар уйнинг тўрида –йигитлар пойгада тик туриб лапар айтишган. Лапар айтишни эътиборли кайвони аёл, ҳамма тан олган лапарчи чилдирма жўрлигида ёки чилдирмасиз бошқариб турган. Ўз навбатида қизлар ҳам лапар айтиб, йигитлар белбоғига бирор нарса тугуб қайтарган. Буни “Лапар солишиш” деб айтилади. Шу тариқа лапар айтишиш давом этади”. Лапарни одатда, куёв томонидан бирор йигит бошлаб берган. Буни “бошланғич лапарлар” дейишган, лекин сўзга чакқон тажрибали лапарчи аёл жараённи назорат қилиб турган.

Аввал бошлаб айтганда, қиз бошламас,
Қиз бошлаган лапарни эл хушламас.
Айтмайин деб бир хаёл қилиб эдим,
Ёру-жўрам қўймади, энди бўлмас.

“Келин ўтирсин”

Оппоқ упадай келиним,
Майдон супадай келиним.
Ҳусни Самарқанддан келган,
Кўнглимдаги келиним,
Келинпошшо ўтирсинлар

“Куёв ўтирсин”

Куёв тўра ўтирмаса,
Уйларни бердим,
Қозоқда кишнаган,
Дулдулни бердим.

Лапарлар болалар томонидан ҳам ижро этилади.

Ла-ла-ла-лай, ла-ла-ла-лай
Олти пулга чой олай.
Чойнагимнинг сопи йўқ,
Келин аям тоби йўқ.
Томга сепдим седана,
Териб есин бедана.
Тақир-тукур обжувоз,
Менинг акам кўрчоқбоз.
Ла-ла-ла-лай, ла-ла-ла-лай

11. Топишмоқ ва тез айтиш қоидалари.

Тўғарак аъзоларига топишмоқ, тез айтишлар ва сўз ўйинлари.

Тез айтишлар кичик ёшдаги болалар тили ва тафаккури тараққиётида муҳим ўрнига эгадир. Ҳар бир минтақадаги тез айтиш ўзига хосликка эга. Айрим ҳудудларда “қ” товушининг, баъзиларида “ра” кўшимчасининг, бошқа бирларида эса, “ў” товушининг айтилишидаги ўзига хосликлар тез айтишга мўлжалланган айтимлар таркибини белгилашда катта аҳамият касб этади.

Топишмоқ ҳам халқ оғзаки ижодининг энг қадимги ва бой жанрларидан биридир. Топишмоқлар одатда, халқнинг урф-одатлари, руҳияти ҳамда ахлоқий-эстетик қарашларини ўзида акс эттиради. Топишмоқда нарсанинг бир неча хил белгилари яширин, сирли ҳолда берилади ва ҳар бир топишмоқнинг замирида топилиши лозим бўлган бир маъно ва “ким?”, “нима” сўроқларида яширин жавоб ётади. Одамлар шу сўроқларга қараб, топишмоқда яширинган нарсани топишга ҳаракат қиладилар. Айниқса, болалар топишмоқдаги жумбоқни билишга, уни топишга жуда қизиқадиладар.

Топишмоқлар мавзуи табиат ва кундалик ҳаётда учраб турадиган аниқ ҳодиса ва нарсалардан иборат бўлади.

Муболаға йўли билан яратилган топишмоқлар ҳам анчагина;

“Бир чуқурда минг ўра” (Ангишвона)

Савол-жавоб шаклидаги топишмоқлар болалар қизиқишини орттириши билан ажралиб туради.

У нимадир, ҳаводаги дўланган?	Булут бўлар ҳаводаги дўланган,
У нимадир, ер юзини сув олган?	Ёмғир бўлар ер юзини сув олган.
У нимадир, орқасида оғзи бор ?	Тегирмондир орқасида оғзи бор,
У нимадир, ўртасида мағзи бор?	Бугдой бўлар ўртасида мағзи бор,
У нимадир, сув ичида жони бор?	Балиқ бўлар сув ичида жони бор.

 Юради, ле к жойидан, Бир қадам жилган эмас. Егасидан бесўроқ, Бирор иш қилган эмас. Уч хил тури бор унинг Ҳоҳи деворга осинг. Ҳоҳи қўлга тақингу, Ҳоҳи чўнтакка солинг. Гар ишин кузатсангиз, Биласиз бу бир сан'ат. Вактни қайдан биласиз, Агар бўлмаса, (соат)	 Япроқлари шилдираб, Шўх-шўх қарсак чалади, Ҳар фасл либос кийиб, Атласдек товланади. Ҳам мевалар беради, Чирой қўшар борликка. Ҳам ҳавони тозалар, Негиз бўлар соғлиққа. Тополмай бўлма қарахт, Борлиқ ФАРЗАНДи – (дарахт)	 Мўъжаз тахта устида, Рақиблар жанги кетар. Роса дона суришиб, Ақллироғи ютар. Оқ-қора катакларда Гўё ҳаёт ва мамот. Жуда қадимий ўйин, Номини билсанг, (шахмот)
---	---	--

Чизикчали бор тўним, Яшилдир менинг пўстим. Яшилдир менда камзул, Ичим еса кип-қизил. Қора, кичик уруғим, Ёзда отар палагим. Топа олдингми хануз, Айт-чи, номимдир (тарвуз)	 Ёшлигимда ям-яшил, Бўламан мен довучча. Болалар теришади, Тўлдиришиб ховучга. Сабр қилинг озгина, Тош отиб, қилманг зўрлик, Яна бироз кутсангиз, Пишади ширин (ўрик)	 Думалокман, оловранг, Ичим еса оппоқ ранг. Артсанг, кўзинг ёшлайман, Таомга йўл бошлайман. Микробларни йўқотаман, Йўталга асқотаман. Чесноқка етма қиёс, Дейдилар аччиқ (пиёз)
--	---	---

Тез айтишлар.

Халқ оғзаки ижоди турларидан бири бўлмиш тез айтиш айрим нутқ товушларининг кўп қайтарилиши ёки товушларнинг сўз ва иборалар таркибида талаффузни қийинлаштирадиган даражада мураккаб жойлашишига асосланади. Айниқса, бу иборалар тез айтилаётган пайтда, айтувчи бу мураккаб товушларни талаффуз қила олмасдан адашиб кетиши билан қизиқарлидир.

Кўкчанинг кўчаси кечгача гавжум.

Бобо, бобо қорбобо,

Бобо, бобо қорбобо, боғ-роғларга боқ бобо.

Белбоғини белга боғлаб, боғбон бобо боққа борди.

Қизик, қизил чизик чиздик, қизик, қизил чизик чиздик.

Дўмбоккина дурдона, Нурунага дугона.

Какку какликка кўк кўйлак тикди.

Қумрининг кўғирчоғи қимирласа қикирлар.

Саватдаги сариқ сабзи сарғайибди сўлибди

Саодатчи сабзиларни сувга солиб кўйибди.

Гулнор гулзор оралаб, гулларни саралади.

Тез айтишлар ёки сўз уйинлари ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди турларидан бири бўлиб, айрим нутқ товушларининг кўп қайтарилиши ёки товушларнинг сўз ва иборалар таркибида мураккаб жойлашишига асосланади.

Тез айтиш болаларда ақлий ўткирликни, сезгирликни тарбиялайди.

Халқ оғзаки ижодида муайян товушлар такрори асосига қурилган тез айтиш намуналари шеърӣй шаклда ҳам яратилади.

Сора аллалайди,

Лола арралайди.

Нон ясашасизми,

Шоли санашасизми?

Болаларни бийрон сўзлашга ўргатиб, уларга эстетик завқ берадиган, фикр ва қобилиятини ўстирадиган, хотирасини мустаҳкамлайдиган бундай ўйинларнинг болалар адабиётидаги роли каттадир.

Болалардан она - Ватанга садоқат, меҳнатга иштиёқ, қақрамонлик, дўстлик, каби олийжаноб инсоний фазилатларни тарбиялашда булоқдек қайнаб тошган халқ оғзаки ижодининг роли бекиёсдир. Айни чокда у, болалар ёзувчиларнинг ғоявий-эстетик томондан юксалишга ҳам катта кўмак беради, сўз санъаткорларини ёш авлодга муносиб бадиий асарлар яратишга ундайди.

Ўзбек халқ оғзаки ижодиётида тез айтишлар, кичик ва катта ёшдаги болаларнинг нутқ ва хотира хусусиятларига қараб, қисқа ва узун жумлалар шаклида яратилади. Тез айтишлар кичик ва мактаб ёшидаги болалар нутқидаги айрим товушларни бузиб талаффуз этиш ҳолларини тузатишга, тўғри сўзлайдиган болаларда эса адабий талаффуз нормаларини мустаҳкамлашга, ниҳоятда болаларни жумлалардаги мантикий урғуни топиб олишга ёдам беради.

12. Якуний концерт дастури.

Якуний концерт дастурини намойиш этиш тартиби. Тўғарак аъзоларининг йил давомида ўрганган қўшиқ, ялла, ракс, лапарлардан тузилган якуний концерт дастури намойиш этиш.

Той-той укажон.

(Эркалама қўшиқлар туркумидан)


Той-той укажон той-той,
Ширин эркатоу укам.
Той-той укажон, той-той,
Юмшоқ сари мой укам.
Ўзимнинг шу ой укам
Той-той укажон той той

Нақорат

Анди бора, анди бор,
Лабиди шакар қанди бор.
Той – той укажон той-той .
Шундай асал боланинг,
Мендай жигар банди бор.
Той-той укажон той-той.

Нақорот.

Ҳар бир босган изингдан,
Гуллар унсин жон укам.
Той-той укажон той -той
Ҳар бир босган қадаминг.
Бахт келтирсин жон укам,
Жоним укажоним, укам.



Десам-чи хой десамчи.
(Эркаланма кўшиқлар туркумидан)

Десамчи, хо десамчи,
 Чорбоққа гул эксамчи.
 Седанали нонни,
 Қаймоқ билан есамчи.

Гул экдимо, гул экдим,
 Гулим ғунчалаб қолди.
 Бунча ширин бўларкан-э
 Мени ачомлаб олди.

Нақорот.

Садқа бўлай сўзингга,
 Парвонаман ўзингга.
 Еру-кўкка ишонмайман,
 Хас тушмасин кўзингга.



Нақорот.

Лайлак келди ёз бўлди
(Фаслий кўшиқлар туркумидан).

Тақир-тақир, тақир-тақир.
 Кўшиқ айтади лайлак.
 Лайлак келди, ёз бўлди.
 Қаноти қоғоз бўлди.
 Лайлак боради тоққа,
 Қулоқларида халқа.

Нақорот.
 Ҳалқани об қочайлик,
 Эл бошига сочайлик.

Нақорат.
 Лайлак баландроқ учсин,
 Халқим муродга етсин.



Читти гул-а,читти гул.
(Болалар кўнгилочар ўйин
қўшиқлар туркумидан)

Читти гула читти гул,
Ҳа-ю читти гул .
Чучвара қайнайдия,
Ҳа-ю читти гул.
Қозонда ўйнайди-я
Ҳа-ю читти гул
Ачам бизга бермайдия,
Ҳа-ю читти гул.
Об қочамиз билмайдия,
Ҳа-ю читти гул.
Читти гул-а читти гул,
Ҳа-ю читти гул.
Гул яхши-ю,гул яхши,
Ҳа-ю читти гул.
Гулнинг попуғи яхши,
Ҳа-ю читти гул.
Ўйнаётган қизчанинг,
Ҳа-ю читти гул.
Ҳайдар кокили яхши
Ҳа-ю читтигул
Читтигул-а читти гул
Ҳа-ю читти гул



Ҳа дурси-дурси.
(Эркаланма қўшиқлар туркумидан)

Накорот.
Ҳа дўрса, дўрса, дўрса,
Отаси бозорга борса.
Сабзи, пиёз келтирса,
Онаси пазанда бўлса.
Ҳа дўрса, дўрса, дўрса.
Отаси бозорга борса.
Ширмойи нон келтирса,
Боласи хўранда бўлса.
Ҳа дўрса, дўрса, дўрса.
Отаси бозорга борса.
Қанду-асал келтирса,
Акаси хўранда бўлса.
Ҳа дўрса, дўрса, дўрса.
Отаси бозорга борса,
Данакшўрак келтирса,
Боласи хўранда бўлса.
Ҳа дўрса, дўрса, дўрса.
Отаси бозорга борса.

(Кувноқроқ оҳангда.)

Якка:-Сабзи, пиёз келтирса,
Ҳамма:-Ҳа дўрса, дўрса, дўрса.
Якка:-Ширмойи нон келтирса,
Ҳамма:-Ҳа дўрса, дўрса, дўрса.
Якка:-Қанду-асал келтирса.
Ҳамма:-Ҳа дўрса, дўрса, дўрса,
Якка:-Данакшўрак келтирса.
Ҳамма:-Ҳа дўрса, дўрса, дўрса.
Ҳа дўрса, дўрса, дўрса.
Отаси бозорга борса.

“Фольклор” тўғарагининг иккинчи ўқув йили учун ўқув қўлланмаси.

1. Халқ оғзаки ижоди ва турлари.

Дунё халқларининг оғзаки ижодинини безаб турган, бир-биридан қадимий дoston ва эртақлар, аския ва лапарлар, қўшиқ ва топишмоқлар одамларни, башариятни нурафшон кунлар сари етаклайди.

Халқ ижоди тушунчаси ғоятда кенг, у фольклор, халқ мусиқаси (мусиқа фольклори), халқ театри (томоша санъати), халқ ўйинлари, кўғирчоқ ўйин, халқ тасвирий ва амалий санъатини ўз ичига олади. Фольклор асарлар катта ҳаяжонлантирувчи кучга эга, адабиёт ва санъат учун туганмас манбадир. Инсон нутқи шаклланиши билан оғзаки сўз санъатининг қадимий тур ва жанрлари ҳам қоришиқ ҳолда юзага кела бошлади. Кишилиқ бадий тафаккурининг турли шакллари ўз ичига олган бу ижод намуналари ибтидоий одамлар маишати ва фаолиятининг барча жиҳатлари билан узвий боғланган бўлиб, қадимий кишиларнинг диний, мифологик ва эътиқодий қарашлари, бошланғич илмий билимлари, табиат ва жамият ҳақидаги тасаввурларини акс эттирган. Бироқ қадимий фольклорнинг бундай намуналари бизгача етиб келмаган. Ёзувнинг юзага келиши натижасида фольклор билан тарихан боғлиқ бўлган адабиёт ҳам пайдо бўлди.

Адабиёт ўзининг тараққиёти давомида фольклордан деярли барча эстетик тушунчалар ва поэтик шакллари олди. Сўз санъатининг мустақил тури сифатида фольклор ҳам адабиёт биргаликда ёнма-ён яшаб келди. Фольклор ва адабиёт асарлари яратилган ижтимоий муҳитдаги фарқлар, ижодий жараённинг хилма хиллиги уларнинг ўзларига хос хусусиятларини янада кучайтирди. Натижада фольклор ва адабиёт оғзаки ҳамда ёзма тур сифатида шаклланди ва ривожланди.

2. Фольклор қўшиқлар ижрочилигида сахна кийимлари.

Ўзбек халқининг кийим-кечаклари бутун бир фан соҳасини ташкил қилиб алоҳида мутахассисларни илмий изланишларини талаб қилади. Концерт кийим-кечакларида халқимиз анъанасига ижобий муносабатда бўлиб ижрочилик вазифалари тақозо этадиган вилоятлараро фарқлардан унумли фойдаланишни талаб қилади. Ҳар бир рақснинг ўз кийим кечаги бўлади. Бош масала шундаки, ягона шакл тўғарак фаолиятининг муваффақиятли чиқишини таъминлайди.

Фольклорнинг асосий хусусияти ижодий жараён-яратувчилик ва ижрочилик жараёнинг оғзакилиги ва жамоалиқ характериға эгаллигидадир. Унинг анъанавийлик, ўзгарувчанлик, вариантлилик, оммавийлик, анонимлик каби белгилари фольклорға хос ана шу ижодий жараённинг бош хусусияти доирасида намоён бўлади.

Фольклор асари кўпчилик томонидан, аجدодлар ва авлодлар алоқадорлигида яратилган поэтика элементлари, анъанавий услуб воситалари асосида юзага келади, у муайян эшитувчилар гуруҳиға мўлжалланган ва халқ оммаси томонидан эътироф этилгандагина ижтимоий ва тарихий ахамият касб этади.

Фольклор намуналари оғзаки яратилиб, оғзаки тарқалиши, оммавий репертуардан кенг ўрин олишига поэтик шаклларнинг барқарорлиги, матндан–матнга ўтувчи умумий ўринларнинг қатъийлашганлиги, ўхшаш сюжетларнинг кўплиги имконият яратади.

Ҳар бир ижод ва ижрода анъанавий асардаги айрим унсурлар ўзгаради ёки тушиб қолади. Бундай ўзгарувчанлик ижтимоий-маиший шароит, эшитувчилар талаби, ижодкор салоҳиятига боғлиқ. Лекин ҳар қандай ўзгариш сайқал топган қатъий анъаналар доирасида содир бўлади. Бадиҳагўйлик фольклор асарларининг кўп вариантларда тарқалишига олиб келади. Фольклорнинг жамоалик характери якка ижодчилар фаолиятини инкор этмайди. Истеъдодли ижодкорлар оғзаки анъаналар доирасида уни янада мукаммаллаштирадilar, янгиларини яратадилар.

3. Тошкент, Фарғона қўшиқчилик услуби.

Фарғона водийси ва Тошкент вилоятида катта ашула жанри кенг тарқалган. Тошкент, Фарғона фольклор қўшиқлари асосан ялла ва лапарлардан иборат. “Жамалаги тилло қизгина” ҳамда “Ялла жоним, ялла” қўшиқларини Тошкент, Фарғона ижро йўлида ижро этиш услублари шакллантирилади. Қўшиқ матни, қўшиқдаги ўз шевасига хос сўзлар ўрни ва уларнинг ишлатилиши, аудио тасма орқали эшиттирилтб кўникма ҳосил қилинади. Тошкент, Фарғона фольклорларини, унга хос бўлган рақсларни ижро этиш орқали билимлари янада мукаммаллаштирилади.

Лапарларнинг мусиқий асослари кўпгина белгилари билан қўшиқ учун хосдир. Лапар айтиш Фарғона, Тошкент, Хоразм, Чимкент ва Ўш вилоятларида кенг тарқалган. Биз Фарғона, Тошкент ва Хоразм лапарларини бир-бирига қиёс қилиб, куйнинг таъсирчанлиги ва ижро услубининг ўзига хослиги билан ажралиб туриш аҳамияти.

Агар Фарғона водийсида лапарлар ижроси икки қўшиқчи томонидан диалог шаклида дутор, доира жўрлигида айтилса, Хоразмда гармон, ғижжак, дутор жўрлигида якка ижрочилар томонидан ижро этилади.

4. Сурхондарё қўшиқчилик услуби.

Сурхондарё мусиқасида торли пуфлаб чалинадиган ва зарбли чолғу асбобларининг деярли барча турлари мавжуд. Археологик қазилмалар чоғида топилган чолғу асбоблари орқали бу чолғу асбобларининг қадимий кўринишлари тўғрисида ҳам тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Сурхондарё жанубидаги Айритом қишлоғидан топилган уч жуссали ҳайкалчанинг ҳар бирининг қўлида уч хил чолғу асбоби акс эттирилган. Сурхондарёда дўмбира дутор, калта дутор, чилтор, рубоб, қобуз ва ғижжак-чангқобуз каби торли сурнай, чўпон най, гажир най, най, най шувуллак, сибизға, камиш най каби пуфлаб чалинадиган, доира, ноғора, зилбом, дўл ёки довул каби зарбли мусиқа асбоблари кенг тарқалган. Бу асбоблардан ҳам якка ҳам жамоа ижроларида кенг фойдаланилади. Бу ерда дўмбира бахшилар чолғуси сифатида чангқобуз ва доира аёллар чолғуси сифатида кенг оммалашган.

Қадимий кўшиқ ва куй рақс достонлар фақат халқ ёдидагина яшамаяпти. Улар “Шалола” халқ ансамбли “Бойсун”, “Кўнғирот” фольклор ансамбллари “Қуралай” болалар фольклор-эстрада ансамбли каби жамолар репертуарига ҳам киритилган. Кўшиқ-кишилар тарихи ҳаёти ва маиший турмуши уларнинг орзу ва умидлари дунёқараши ва руҳияти ифодасидир. Ҳозирги пайтда воҳадаги ансамбллар республика миллий кўшиқчилик анъаналарини хусусан Сурхондарё мусиқа фольклорини асраш юзасидан катта ишларни амалга оширмоқда.

Муайян меҳнат жараёнлари билан боғлиқ кўплаб меҳнат кўшиқлари яратилган. Бойсунда ҳозир ҳам омов билан ер ҳайдалади. Қўл тегирмон, ёрғичоқ, сув тегирмони, мойжувоз ишлатиб келинади. Аёллар сугир, эчки, кўй соғиш чоғида ижро этадиган “Хўш-хўш”, “Турей-турей”, “Чурей-чурей” каби жозибали оҳангли кўшиқлар жуда қадимийлиги билан ажралиб туради. Тўқиш, жунга ишлов бериш ва қўл тегирмони ишлатиш пайтида ижро этиладиган “Чарх”, “Ёрғичоқ”, “Ўрмак” кабилар ҳам аёллар кўшиғи ҳисобланади. Бир қатор меҳнат ва мавсум кўшиқларини ўз йўналишига кўра тотемизм ва шаманизм билан боғлиқ, оташпарастлик, анимистик афсун, сеҳр жоду кўшиқлари қаторига киритиш мумкин. Улар Сурхондарё воҳасининг қадим тарихи билан боғлиқдир. Бу кўшиқларда табиат қудрати, афсонавий мавжудотлар мадҳ этилади.



Бойсун туман фольклор ансамбли

“Хўш-хўш” ёки “Говмишим” бу кўшиқлар асосий мазмуни соғилаётган сугирни тинчлантириш, уни ийдириш орқали кўпроқ сут соғиб олиш ҳисобланади.

Хўш-хўш, жонивор, кўнғир,
 Сутинг оқади шир-шир
 Олтин хурмо кўлимда
 Ийиб сут билан тўлдир, хўш-хўш.
 Сени ҳайдаб боқаман,
 Кўзтуморлар тақаман
 Нормуродим феъли бўш,
 Говмиш молим хўш-хўш.

“Турей-турей” кўшиқлари. Бу кўшиқлар кўйларни соғиш ва кўзиларни эмизишда айтилади. Шунинг учун ҳам турей-турей кўшиқларида она соғишни мадҳ этиш, уни ийдириш учун айтиладиган эркалаш оҳанглари етакчилик қилади.

Эсли молим, турей-турей,
Елкамдаги кокилим, турей-турей.
Шунча молим ичида,
Боғда очилган гулим, турей-турей.

Кўйларни ҳид сезувчи органлари тараққий этган бўлиб, янги туғилган кўзиларга бошқа ҳайвоннинг ҳиди уриб қолса, она кўй ўз боласини эмизмай кўяди.шунда соғувчи “агар болангни олмасанг, сени бозорга олиб чиқиб сотаман”, деб совлиққа дўқ-пўписа қилади.

Кўй ичида қорасан, турей-турей,
Ақллисан доносан, турей-турей.
Агар болангни олмасанг, турей-турей,
Бозорларга борасан, турей-турей.

“Чурей” кўшиқлари. Соғим кўшиқларининг бу тури эчкиларни соғиш ёки улоқларни эмизиш пайтида айтилади. Чурей кўшиқлари улоқ ёхуд эчкининг характери, бирор белгиси, кўпинча соқоли, шохи ёки қашқаси айтилиб уларнинг ташқи қиёфаси тасвирланади.

Шохларим бор бир минора, чурей-чурей,
Минорага қушлар кўнаро, чурей-чурей.
Боланг олиб искасанго, чурей-чурей,
Олган шу эчким яхши эчки чурей.

Соғиш пайтида эчки қаршилиқ қилмай тик туриб берса, соғувчи уни мактаб, эркалаб, баъзан енгил ҳазил билан тегажожлик қилиб кўшиқ куйлайди.

Дикрайган қулоғи бор, чурей-чурей
Чашмадек булоғи бор, чурей-чурей
Ичида эгиз улоғи бор, чурей-чурей
Шу эчким яхши эчки чурей.

5. Хоразм кўшиқчилиқ услуби.

“Омон-омон” кўшиғи Хоразм ижро йўлида ижро этиладиган кўшиқлардан биридир. Кўшиқ матни, кўшиқдаги ўз шевасига хос сўзлар ўрни ва уларнинг ишлатилиши, аудио тасма орқали ўқувчиларга эшиттириб, кўшиқ матни ёздириш ва саҳналаштириш орқали ўқувчиларнинг билим ва малакаларини шакллантириш зарур. Бу Хоразм болалар фольклор кўшиқларини ижро этиш ва унга хос бўлган рақсларни ижро этиш орқали амалга оширилади.

Хоразм лапарларидан “Хива дутори”, “Онажондек дилбар жанона галди”, “Эй дилбарим” кабиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.



Xiva dudori

Bo-shi-ma os - g'a-nim Xi-va

du-do - ri, O - ra-sin-da hil-pil-di-di bir to - ri, O' zim-ning yo -

ri - ma dun-yo - ning bo - ri (yay), Shul yor - ni ax - ta - rib get ma -

sam bo'l - mas, Al - la - rin bo'y - ni - ma sol - ma - sam-bo'l mas.

Бўйнима осганим қалампир лаъли,
 Шу ёрни гўрмасам бўларман дали,
 Йигитлар ичинда бўйлари балли,
 Шул ёрни ахтариб гетмасам бўлмас,
 Алларин бўйнима солмасам бўлмас.

Жуян акдим кандир билан аралаш,
 Бир ёр топдим ўрта бўйли, қалам кош,
 Қора қора дейварманглар ёримни,
 Қора минжиқ хинжи билан аралаш,
 Шул ёрни ахтариб гетмасам бўлмас,
 Алларин бўйнима солмасам бўлмас.

Бўйнима осганим қалампир тумор,
 Шул ёрни гўмасам бўламан хумор,
 Йигитлар ичинда бўйлари чинор,
 Шул ёрни ахтариб гетмасам бўлмас,
 Алларин бўйнима солмасам бўлмас.

Onajondek dilbar jahona galdi

M.M. ♩ = 85

Ey yo-ron-lar a - sil so'z hi-ko - ya-sin ay-lang, A - jo-yib bir
a-yol dun-yo - g'a gal - di. In-son-li-gin ham-ma - dan bu - run ay - lab,
O - na - jon - dek dil - bar ja - ho - na gal - di.
Xo - nim - lar - dan av - val hur - ri - yat ol - di.

Онажонни хотин - қизлар топади,
У галганда яхши сўзлар айтади
Янги замон мақсудина этирди
Онажондек дилбар жаҳона галди
Хонимлардан аввал ҳуррият олди

Онажонни ҳарна илм дошинда
Сиё зулфи ўрим - ўрим бошинда
Саксона гирса ҳам ўн беш ёшинда
Онажондек дилбар жаҳона галди
Хонимлардан аввал ҳуррият олди

Лабинда холи бор доридан киччи
Изина тушибди каттадан - киччи
Сўзлаганда сўзи болдан ҳам суҷи

Онажондек дилбар жаҳона галди
Хонимлардан аввал ҳуррият олди

Онажонни Нурлавойдан галиши
Дор галибди оёқина кавиши
Давраларда қаҳ-қаҳ уриб гулиши
Онажондек дилбар жаҳона галди
Хонимлардан аввал ҳуррият олди

Бошина гийипди япон бахмали
Алимни олибди лабдаги холи
Бир гормасам енди тутар хумори
Онажондек дилбар жаҳона галди
Хонимлардан аввал уррият олди

Ey, dilbarim

Bor-ho ishq -

ning o' - ti - na yo - na - ma - nay ey dil - ba - rim. Jas - ni vas - ling - ni ti - lab

de - vo - na - ma - n(ey) ey dil - ba - rim. Or - zu ay - la - b(ay)ja - mo - ling kun -

-da ko'r - mak - ni - (yay) ko'n - gil, Hej i - lo -

jin top - ma - yin hay - ro - na - ma - n(ay) ey dil - ba - rim.

Вақти-бевақт интизорингда қилурман нолалар,
Бўлғоли муҳтожи ишқ тўлғонаман, эй дилбарим.

Шоди хандон айламак ўз ихтиёрингда мени,
Айт қачон лаълинг меҳридин қонаман, эй дилбарим.

Ҳарна амр этсанг қилай жони дил бирла қабул,
Жусти жў айлаб чопай ҳар ёна ман, эй дилбарим.

Орзу айлаб мен Ожиз ихлос ила ёздим ғазал,
Ёд этар албатта деб ўйланаман, эй дилбарим.

6. Хоразм фольклор-ракс услуби.

Хоразмда асосан халфачилик йўналишидаги ижро йўллари кенг тарқалган.

Ўзбек халқ мусиқа ижоди жумладан, халфачилик санъатини мусиқий таълим жараёнида халфачилик дарсларида ўрганишдан асосий мақсад, ўқувчиларни анъаналарга бой ва бадиий етук, халфачилик кўшиқлари намуналаридан баҳраманд этиш. Уларни ўрганиш асосида ўткир дид, юқори бадиий савия, нафис туйғуларни шакллантиришдан иборат. Айни вақтда кўп асрлар давомида яшаб келган ота-боболаримиз, авлод-аждодларимиз маънавиятининг баркамол руҳияти садоларидаги натижаси бўлган халфа кўшиқларини ёш авлод қалбидан ўрин топдиришдан, бу анъаналарни эъзозлашни, она-юрт меросини бугунги кундаги ҳаққоний ворислари бўлишини тарбиялайди.

Халфа кўшиқлари халқ руҳини, халқ орзу-армонларини ёрқин акс эттириб, одамлар юрагига таъсир этиб хусусан аёллар томонидан ижро

этиладиган санъат тури. Айнан халфа кўшиқлари меҳаткаш омманинг озодлик ва бахт учун курашида мададкор бўлиб, халқнинг дарди айниса, аёлларнинг ҳаёти, ноҳақлик, аёлларнинг манфаати куйланган, ғояларни жонли гавдалантириб содда, равшан тил билан куйларга солиб бадиий шаклда тараннум қилган жанрдир.

Фақат Хоразм маҳаллий услубига хос бўлган халфачилик санъат тури анъаналари эса узоқ даврлар мобайнида шаклланган бўлиб, улар халқимизнинг турли шароитлардаги турмуши, меҳат машғулотлари маросим ва урф-одатлар жараёни билан узвий боғлиқ ҳолда юзага келган.

Хоразм халфачилик анъаналарини ўз моҳиятига қараб, бир неча гуруҳга ажратиш мумкин. Улар жумласига ижодкор шоира халфалар ва дostonларини куйсиз қироат билан ўқиб эшиттирувчи халфалар киради. Ҳозирги даврда Хоразм воҳасида халфачилик санъатининг асосан уч турини белгилаш мумкин.

Биринчиси: шоира ижодкор халфалар;

Иккинчиси: ижрочи созий халфалар;

Учинчи: диний мавзудаги китобларни жўрсозсиз мунгли оангда куйга солиб ижро қиладиган халфалар турлари.

Биринчи гуруҳда ўзининг ижодкорлиги, шоиралиги ва гармон чолғусини моҳир ижрочиси, жарангдор овоз соҳиби, кўшиқчи ва ашулачи, доирачиси ва раққосаси билан биргаликда ансамбл бўлиб ижрочилик қиладиган халфалар киради.

Ижодкор шоира халфалар гуруҳига Шукур Оллақулихон қизи (1857-1932), Хоним сувчи Саидахмат қизи (1858-1926), Онабиби Отажанова (Ожиза) (1899-1952), Онажон Собирова (Анаш халфа) (1885-1952), хазораспик Саодат халфа Худайбергана (1905-1972), Моҳира Сабирова (1909-1966), Розия халфа Матниёз қизи (1899-1951), Роҳатой Хўжаниязова (1955-2010) каби ижодкорлар шоира халфалар гуруҳни ташкил қилади. Бу халфалар халқ дostonларининг тўла матнини ёддан билганлар ва уларни мусиқа жўрлигида маромига етказиб куйлаганлар. Шу билан бирга бадиий ижод билан ҳам шуғулланиб, ажойиб шеърлар ҳам яратганлар.



“Хуршиди жаҳон галди” кўрик танловининг мутлоқ ғолиби, шоира, ижодкор халфа Роҳатой Хўжаниязова (1955-2010) ўртада, ўнгда муаллиф, чапда доирачи Аноржон Жуманиязова

Анарбиби Отажанова (Ожиза тахаллуси билан элга танилган) машхур хонанда бўлиши билан бирга истеъдодли шоира ҳам эди. У халқ кўшиларига ҳамонанг бўлган кўплаб кўшиқлар ижод қилди ва зўр маҳорат билан куйга солиб халқ орасига ёйди. Ожизанинг “Уёламан”, “Тарғунча”, “Галмади-галмади”, “Тунинай”, “Эй дилбарим” каби кўшиқлар ҳозирги даврда ҳам халфалар томонидан ижро қилинади.

Ана шундай хонанда, шоира, ижодкор халфалардан Роҳатой Хўжаниязова XX аср охири XXI аср бошларида ижод қилган машхур халфа бўлиб, унинг “Сабр айла кўнглим мани”, “Армоним йўқдир мани” каби шеърӣ тўпламлари билан элга маълум ва машхур бўлган. У “Мустақил Ўзбекистон”, “Дўстларим”, “Онажон” каби шеърларига куй басталаб ижро қилган. Шунингдек, устоз халфаларнинг кўшиқлари ва ошилик достонларидан парчалар куйлаган.

Иккинчи гуруҳ халфалар асосан “гармон” чолғучиси ва ашулачи сифатида ўрин эгалласа унинг ёнида албатта доирачиси ва рақосаси ҳам бир гуруҳ бўлиб жанрни шакллантиришда ва ташкил қилишади. Кўпинча халфалар гуруҳ бўлиб ўзлари ижодий ёндашганлар. Улар дастурларини турли мавзудаги кўшиқлар, достонлардан парчалар ва насиатгўй лирик мазмундаги кенг диапазонли лирик кўшиқлар асосида ташкил этганлар.

Назира Собирова, Саражон Оллаберганова, Сорабиби Ахмедова, Сорабиби Жуманиёзова, Уллибиби Бойжанова, каби халфалар киради. Улар достонлар ва лапарларнинг тўла матнини ёддан ёки китоб воситасида ўқиш билан шуғулланмасдан фақат халқ кўшилари ва достон таркибидаги айрим шеърларни куйга солиб маромига етказиб куйлашган. Улар маълум ансамблга уюшган гармончи, доирачи ва раққоса бўлиб, тўй, байрамларда хизмат қилишган.

Халфа жанрига хос бўлган ижодкор халфалар ва ижрочи созанда халфалар тўй ва зиёфатларда хизмат қилсалар, диний мавзудаги китоб ва достонларни куйловчи халфалар тўйларда, азаларда, маъракаларда ҳам иштирок этганлар ва ҳозирги давргача ана шундай йўналишда фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Учинчи гуруҳга ҳозирги даврда диний мавзудаги китоб ва достонларни куйловчи халфа аёллар қаторига ўз устозларини ижро услублари куйлаш вариантлари асосида ижро этиб келишмоқда. Суна Эшматова, Ниёзжон Мусаева каби халфалар жуда зени баланд диний мавзуларда эркин мушоҳада қила оладиган чуқур билимга эга халфалар бўлган.

Созанда шоира халфалар гуруҳи аъзолари асосан ошиқлик достонлардан куйлашган. Хоразмда яшаган машхур халфалардан Хоним Сувчи, Ожиза, Онажон халфа каби халфалар “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам”, “Асли ва Карам”, “Ошиқ Маҳмуд”, “Ошиқ Албанд”, “Гўрўғли” туркумига оид айрим достонларни тугал ёддан билганлар ва маромига етказиб куйлаганлар.

“Олти халфа” кўшиғи рақси Хоразм ижро йўлида ижро этиладиган рақслардан биридир. Кўшиқ матни, кўшиқдаги ўз шевасига хос сўзлар ўрни ва уларнинг ишлатилиши, аудио тасма орқали ўқувчиларга эшиттириб, кўшиқ матни ёздириш ва сахналаштириш орқали ўқувчиларнинг билим ва

малакаларини шакллантириш зарур. Бу Хоразм болалар фольклор кўшиқларини ижро этиш ва унга хос бўлган рақсларни ижро этиш орқали амалга оширилади.

Olti xalfa

M.M. ♩ = 90


Ol-ti xal-fa bi- ri Ay- sha, Bar-moq-la-ri qo' -
 sha qo' - sha, Qo' shiq ay-tar jo' - sha jo' - sha (yay)- El-ga bal-li ol -
 - ti xal - fa. Ol-ti xal-fa bi - ri Yo- qit, O' ti-rib-di qo - shin qo - qib,
 Ham-ma-la-ra qol - g'an yo - qib (ay) El-ga bal-li ol - ti xal - fa.

Олти халфа бири Тўти,
 Чэллэрэ битган сув оти?
 Юракимда бордир оти?
 Элга балли олти халфа.

Олти халфа бири Турсин,
 Арвага сакраб ўтирсин.
 Арвани кўчари синсин,
 Элга балли олти халфа.

Олти халфа бири Бўстон,
 Отлари оламга дoston.
 Юрган ери боғу бўстон,
 Элга балли олти халфа.

Олти халфа бири Фотма,
 Узин бўйли ўзи катма.
 Қизил юзли, қоши чатма,
 Элга балли олти халфа.



Хива фольклор ансамбли

7. Бухоро фольклор-рақс услуби.

Кўшиқни аудио тасма орқали эшиттирилади. Кўшиқ матни. Саҳналаштириш. Бухоро болалари фольклорини ижро этиш, унга хос бўлган фольклор-рақсларини ижро этиш.

Ёр-ёр денглар қудолар, келин келди ёр-ёр.
Келайдигон шу келин бахтли бўлсин ёр-ёр.
Олтин билан кумушдан рахти тўлсин ёр-ёр.

Ассалому алайкум келинжон, шундай келган карамли султон.
Хуш келибсиз ана манзил, ана жой.
Каъбада кўрдим юзингни, қибладан қилдим тавоб.
Икки қошингни ораси ой била обтоб.

Нури дийдам сарварим хуш келдингиз,
Йўли ироқиздайдим.
Ой юзизни кўргали мен иштиёқиздайидим.

Келин ўтирсалар уйни бердик,
Ўтирмасалар тўрни бердик.
Унга ҳам ёқ десалар,
Қафасда сайраган булбулни бердик.
Унгаям кўнмасалар,
Қозикда кишнаган дулдурни бердик.
Унгаям кўнмасалар,
Шунай жононга, ўтирган киявни бердик.

Қизнинг онаси:

Энди чиқиб кетарсан, иложинг йўқ ёр-ёр,
Хизматимда бор эдинг, жоним қизим ёр-ёр.
Жоним қизим бўйлорингдан айлонайин ёр-ёр,
Оғоларинг букчангни тугишдилар ёр-ёр.
Сани олиб кетишга юзландилар ёр-ёр.
Нури дийдам, мунисим, жоним қизим ёр-ёр.
Борган еринг боғ ила бўстон бўлсин ёр-ёр.
Олтин билан кумушдан бахтинг тўлсин ёр-ёр.
Ёр-ёр денглар қудолар, келин келди ёр-ёр.
Келайдигон шу келин бахтли бўлсин ёр-ёр.

8. Болалар фольклор қўшиқлари.

Ҳар бир инсон болалигидан бошлаб ўзи билмаган ҳолда катта одамларнинг эътибори қаратилган мўъжизавий мавжудотга айланади. Катталар унга исм қўядилар, бешикка белайдилар, аллалар айтадилар, қўлчаларига овоз чиқарувчи ўйинчоқлар тутқазишади. Бир оз гап эшитадиган бўлгани заҳоти овунмачоқлар айтишади. Кейинчалик эса фарзанд топишмоқлар, эртақлар, қўшиқлар оламига кириб халқ расм – русумлари, оғзаки ижоди оғушида улғая боради.

Халқ қадим замонлардан фарзандларнинг маънавий ва жисмоний тарбиясига алоҳида эътибор билан қараган. Агар аллалар, эртақлар унинг маънавий дунёсини бойитса, турли ўйинлар: қувлашмачоқ, бекинмачоқ, чиллак, варрак учириниш кабилар жисмонан чиниқтирган. Ёш болалар алоҳида эътиборга

лойиқ халқларда эса улар учун махсус сўз намуналари яратилган. Ўзбеклар ана шундай халқлар қаторидан муносиб ўрин оладилар. Тез айтишлардан тортиб аллаларгача, топишмоқлардан тортиб санамачоқларгача бевосита ёш авлод тарбиясига бағишланган болалар фольклори жанрларини, намуналарини ташкил этади.

Ўзбеклар болалар фольклорига оид асарларни бир неча асрлар олдинок ҳозирги замон педагогикаси талабларини ҳис этгандек яратганлар. Аслида халқ бу талабларни ўзича ҳисобга олган. Педагогика фани эса уларни кейинчалик кашф қилган. Хусусан болалар учун яратилган асарларнинг тили содда, мазмуни эса эсда қоладиган бўлиши лозим. Шунингдек бу асарлар албатта тарбиявий аҳамият касб этгани ҳолда, болаларда, халқига, ватанига, қадриятларига, аждодларига ҳурмат руҳини шакллантириши керак. Бундай намуналар фарзандларимизнинг маърифий озукиси ҳисобланади. Бўрининг йиртқичилигини, тулкининг айёрлигини улар дастлаб ўзларига аталган эртаклардан билиб оладилар. Айни пайтда, бундай асарлар болада гўзалликка интилиш туйғусини уйғотишга ҳам мўлжалланган бўлади.

9. Маҳаллий услубларда айтиладиган болалар фольклори.

Маҳаллий услубида ижро этишда ҳудудга хосликга амал қилинади. Қўшиқлар ва ҳаракатларда шевага хос сўзларни ишлатиш, қўшиққа ва маҳаллий услубга хос бўлган рақсларни саҳналаштириш, маҳаллий либосларни танлаш, либослар турларини ажрата олиш, меҳнат кийимлари, байрам ва сайл кийимлари, мавсумий кийимлар орасидаги фарқларни билиш ва таҳлил эта олиш тавсия этилади.

“Жаҳр”, “Садр” каби турли йиғинларда ижро этиладиган қўшиқлар бахшиёна оҳангда кучли ҳаяжон билан куйланади. Қатъий оҳанг мазкур қўшиқларнинг мусиқий жиҳат ўзига хослигини белгилайди. Муайян бир касб ва ҳунар билан боғлиқ “Новвойлар қўшиғи”, “Зан-зан”, “Хавор-хавор”, “Тегирмон қўшиғи” каби меҳнат қўшиқлари ҳам қадимий илдизга эга. Айрим туманларда “Баҳор келди”, “Турналар келди”, “Қор ёғди” каби лирик мавсумий қўшиқлар ҳам кенг тарқалган. “Йиғи”, “Йўқлов”, “Овоз солиш”, “Овоз бароварди”, “Нола” каби мотам қўшиқлари ҳудуд аҳолиси орасида ҳозир ҳам қўлланиб келинади.

Уларни одатда, аёллар фақат мотам маросимларида эмас, балки бошқа қайғули воқеалар муносабати билан ҳам аламли оҳангда ижро этади. Бадиҳа тарзида, чолғу асбобисиз, фақат аёллар ижро этадиган “Алла” қўшиғи алоҳида қатламни ташкил этади.

10. Меҳнат қўшиқлари.

Меҳнат қўшиқлари халқ ижодиётининг энг қадимий шаклларида бири ҳисобланади. Бу қўшиқлар ибтидоий инсоннинг меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ.

Қўпроқ меҳнат қўшиқлари жараёнида муайян ҳаракат тизимида мос келувчи ундов, хитоб ва нидолар характеридаги поэтик парчалардан иборат тузилишга эга бўлган.

Меҳнат турлари кўп ва хилма-хил бўлганидек, унинг қўшиқлари ҳам турли-тумандир. Меҳнат қўшиқларининг ғоявий мавзу ва жанр хусусиятларига қараб уч гуруҳга бўлиб ўрганилади:

1. Деҳқончилик билан боғлиқ қўшиқлар.
2. Чорвачилик билан боғлиқ қўшиқлар.
3. Ҳунармандчилик билан боғлиқ қўшиқлар.

Деҳқончилик қўшиқлари.

Меҳнатнинг тури билан боғлиқ қўшиқлар ранг-баранг бўлиб, улардан бизга қадар “Қўш қўшиқлари”, “Ўрим қўшиқлари”, “Ҳирмон қўшиқлари” ёки “Хўп майда” каби қўшиқлар етиб келган.

Марказий Осиё халқлари қадим-қадимдан деҳқончилик билан шуғулланиб келади. Деҳқончилик эса эрта баҳорда ерни ҳайдашдан бошланади. Ер ҳайдаш оғир жисмоний меҳнат бўлиб, бундай оғир меҳнат пайтида деҳқонлар қўшиқ куйлаб, ўзларини овулганлар. Ёзиб олинган намуналарда эса оғир меҳнатдан, шавқатсиз тенгсизликдан шикоят оҳанглари иш ҳайвонларининг тилидан баён қилинади.

Шохларим бор газ-газ қулоч,
Уйда ўйнар қалдирғоч
Ҳайдай десам қорним оч,
Мен қўшга қандай ярайин.

Қўш қўшиқларининг бошқа турлари ҳам мавжуд. Уларда лирик баён бевосита деҳқон тилидан олиб борилади.

Ўроқ ўрмоқ, олмоқ, солмоқ,
Қўш ҳайдамоқ, бормоқ, келмоқ.
Ҳаммасидан қийин экан
Эй ҳўкизим рўзғор кўрмоқ.

Ўрим қўшиқлари.

Ўрим деҳқон меҳнатининг самарасини кўрсатадиган пайт. Ўрим қўшиқлари яқка ёки кўпчилик томонидан ижро этилган. Уларда баҳорнинг инжиқ, ёзнинг шавқатсиз кезларида қилинган меҳнатнинг самара берганлигидан қувонган деҳқоннинг кўтаринки руҳи, этилган ҳосилни уғиб олишга бўлган кучли иштиёқ тараннум этилади.

Ўроғим олмос,
Ўримдан қолмас,
Сира ҳам толмас,
Ўрмасам бўлмас.

Деҳқон ҳайвонларини ҳайдаб, кун бўйи хирмонда дон янчар экан, баланд овоз билан қўшиқлар айтади. Ана шундай қўшиқлар халқ ўртасида “Хўп майда” деб юритилади.

Хўп майда-ё, хўп майда, ҳайда-ё ҳайда,
Қалқон қулоғим ҳайда, майда-ё майда.
Темир туёғим ҳайда, майда-ё майда,
Хирмонни қилгин майда, майда-ё майда.

Ёрғинчоқ кўшиқлари.

Ёрғинчоқ кўшиқлари аслида деҳқончилик кўшиқлари сирасига крмайди. Чунки, улар бевосита деҳқон меҳнати билан боғланмаган. Бироқ ёрғинчоқ деҳқончилик маҳсулоти билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам шартли равишда бу кўшиқлар деҳқончилик кўшиқлари сирасига киритилган.

Ёрғинчоғим гумбур-гумбур этади,
Нортуялар қулоқ солиб ўтади.
Карвон билан ризқу-рўзимиз олиб
Эсон-омон отажоним қайтади.

11. Фаслий кўшиқлар.

Мавсумий маросимлар йилнинг тўрт фаслига оид халқнинг яшаш ва меҳнат тарзи билан алоқадордир.

Баҳорги маросимлар билан боғлиқ кўшиқлар.

Баҳор кириши билан деҳқон ва сорвадорларнинг дала ишлари бошланади. Деҳқон уруғ сепишга тайёргарлик кўриш, ариқларни тозалаш билан шуғулланса, чорвадор яйловларга кўчишга тайёргарлик кўради. Деҳқон ва чорвадор турмушидаги барча оғир юмушлар илгари хашар йўли билан амалга оширилган. Баҳорги мавсумий маросимларга “Шох мойлар”, “Наврўзи олам”, “Ёмғир чақириш”, “Суст хотин” каби маросим кўшиқлари киради.

Суст хотин

Суст хотин, сузма хотин,
Кўланкаси майдон хотин!

Ёмғир ёғдир, ҳўл булсин,
Еру жаҳон кўл бўлсин.
Майсалар қулоқ ёзсин,
Суту қатик мўл бўлсин!

Суст хотин, сузма хотин,
Кўланкаси майдон хотин!

Ёмғир ёғдир, кўк бўлсин,
Қурғоқчилик йўқ бўлсин.
Арпа буғдой бош тортсин,
Кайвонилар ош тортсин.

Суст хотин, сузма хотин,
Кўланкаси майдон хотин!

Ёмғир ёғдир, ҳўл бўлайлик,
Биз ҳам сенга жўр бўлайлик.
Кўкламда ўйнаб—қулиб,
Ҳам шўху ҳам зўр бўлайлик.

Суст хотин, сузма хотин,
Кўланкаси майдон хотин!

Ёмғир ёғди, дўл бўлди,
Еру жаҳон ҳўл бўлди.
Шафтолилар барг ёзди,
Дунё тўла гул бўлди.

Суст хотин, сузма хотин,
Кўланкаси майдон хотин!

Ёзги маросимлар билан боғлиқ кўшиқлар.

Кишиларнинг хўжалик ҳаётида ёз фаслининг ўрни алоҳидадир. Шунга қараб ушбу фаслда ўтказиладиган маросимлар ранг-баранг бўлган. Бироқ ўзбек маросим фольклорида ҳозирга қадар битта жанр сақланиб қолган. Ёзги маросимлар фольклоридан фақат шамол тўхтатиш билан боғлиқ айрим жанрлар сақланган. Булар “Чой момо” маросимида ижро этиладиган кўшиқлардан иборат.

Кузги маросимлар билан боғлиқ кўшиқлар.

Куз фаслида деҳқон ёз бўйи қилган меҳнатининг самарасини йиғиштириб олади, чорвадор эса қишлоғга ем-хашак, озуқа тайёрлайди. Кузги маросимларга “Обло барака”, “Шамол чақириш”, “Мирҳайдар бобо”, “Галагов”, “Хўп майда” маросим кўшиқлари киради.

Қишки маросимлар билан боғлиқ кўшиқлар.

Ўзбек халқ фольклорида қишки маросимлардан фақатгина “Тап-гаштак” ва “Яс-сун” маросимларгина сақланиб қолган. “Тап-гаштак” маросими эркаклар томонидан маҳалладаги чойхона ёки бирор хонадонда ўтказилади. “Яс-сун” маросими асосан кўчманчи чорвадорлар ўртасида қимизхўрлик маросими сифатида юзага келган бўлиб, унинг маъноси даврада ўтириш қоидалари демакдир.

12. Анъанавий сайл-байрам кўшиқлари.

Анъанавий сайил-байрамларда ўзбек халқида кўпинча аския ва ёр-ёрлар айтилади.

Терма-ўзбек фольклорининг мустақил жанри бўлиб, унинг яратилишида бахшиларнинг роли ниҳоятда каттадир. Кўпчилик ҳолларда улар дostonчиликнинг индивидуал ижоди ҳисобланади. Панд-насихат, одоб-ахлоқ, соз ва сўз ҳақида яратилган, ижтимоий ҳаётдаги турли ҳодисалар шахс ва жониворларнинг таърифи ёки танқидига бағишланган, бахшилартомонидан куйланадиган 10-12 сатрдан 150-200, баъзан ундан ҳам ортиқ мисраларгача бўлган лирик, лиро-эпик шеърларга “терма” дейилади.

Аския-ўзбек халқ оғзаки ижодининг мустақил жанри бўлиб, асосан, тўй-томоша, йиғинлар ва сайилларда ижро этилади. Аския арабча “закий” сўзидан олинган бўлиб, сўзамол, заковатли, ўткир зеҳнли деган маъноларни англатади. Закий сўзининг кўпчилик шакли азкиё бу кейинчалик талафузи ўзгариб, аския шаклига келиб қолган. Аския ижрочилари аскиябоз, аскиячи деб юритилади. Аскиячилар тарафма-тараф бўлиб олиб, қочирим сўзлар билан аския бошлайдилар, тингловчилар эса у ёки бу томоннинг сўзга чечанлиги, ҳозиржавоблигидан мамнун бўлиб кузатадилар. Томонлардан бири устун келганда, кулги қаҳқаҳага айланади.

Лоф-ўзбек халқ прозасининг мустақил жанрларидан бири бўлиб, ўзининг тузилиши ҳажв ҳамда юморга асосланиши билан латифа ва аския жанрларига яқин туради. Шунинг учун ҳам у ёки бу лофбознинг сўзга чечанлиги, зукколик ва ҳозиржавоблик фазилати мазкур жанрнинг ташкил топишида ҳал қилувчи

рол ўйнайди. Лоф жанри асосан, қизиқчи ва аскиябозлар орасида шаклланган ва ижро этилган. Ҳар бир лофда нотабий аоқеалар, салбий белгилар кулгу остига олинди. Лоф айтиш муболағали эпизодга мантикий жавоб қайтариш, сўзга чечанлик мусобақаси шаклида ўтади.

13. Топишмоқ қўшиқлар.

Ҳаётни ўзига хос бадиий идрок этиш шакли бўлган топишмоқ фольклорнинг оммавий жанрларидан биридир. Шакли, вазифаси, иш ҳаракати ва ҳолати жиҳатидан бир-бирига ўхшаш икки предмет нарса ва ҳодисанинг жумбоқланиб, иккинчисига хос ўхшаш белгилар асосида уни топишга мўлжаллаб шеърӣ ёки настӣ тузилишда берилган савол ёки топширик “топишмоқ” деб юритилади.

 Мен ўхшайман қозикқа, Зарурман ош - озиққа. Қизил, сариқдир тилим, Яшил рангли кокилим. Кимнингки бўлса лафзи, Топсин, менинг исмим (сабзи)	 Тонгда тушиб уйғотар, Дов-дарахтни яйратар. Иллатларни йўқ қилар, Хастага малҳам бўлар. Кексаларнинг ҳузури, Фойдали куёш (нури)	 Ўзим қизил, кичикман, Кўп фойдали меваман. Шамоллашга давоман, Иссиқни тушираман. Йесанг, дард бўлар унут, Дейдилар, қора (шотут)
 Кичкина, думалоқман, Митти ё каттароқман. Номим кўпдир ва тайин, Кишмиш, Чарос, хусайин. Топа қол, йетди кўзим, Айтақол, номим (узум)	 Баҳор келиши билан Очаман ўз гулларим. Бўлса агар фасли ёз, Бераман зўр ҳосилим. Мевам сариқ, қизилдир, У жудаям шириндир. Қани топ-чи китобхон, Менинг исмим (гилосхон)	 Хўб мазали меваман, Бол йиғишни севаман. Менинг турим икки хил, Тукли, туксиз - луччакдир. Йесанг-чи, чиқар боли, Номим дерлар (шафтоли)
Қишнинг эрка ФАРЗАНДи, Заминга бўлди меҳмон. На зар, на парга ўхшар, Табиат унга мезбон. Қўлингизда тутсангиз, Айланар сувга дарров. Болаларнинг қувончи Ортади, гар ёғса (қор)	Дум-думалоқ, яшилман, Шўртанг, ҳамда нордонман. Довуччага ўхшайман, Ёз фаслида пишаман. Мевалар ичра мен хон, Номим эрур (кўксултон)	 Мен қизилман, думалоқ, Ғапимга сен сол кулоқ. Кичиккина шапкам бор, У ҳатто ўзимга тор. Ичим тўла доналар, Есанг, нафсинг қонадир. Пўчоғимда малҳам бор, Мени дейишар (анор)

 Сарикдирман, чўзинчоқ, Қоматимга сен бир боқ. Мен-чи, ёзда пишаман, Ҳаммага хуш ёқаман. Ўзим жуда ширинман, Сарик ёки яшилман. Еявер, мен жуда пок, Гар танисанг, номим (нок)	 Мазали, тилёарман, Мен кўнгилни оларман. Айни ёзда пишаман, Сўнг бозорга чиқаман. Чаққон менинг бозорим Яхши кетар савдоим. Гапни чўзмайман бугун, Менинг номимдир (қовун)	 Гилосхонга мен сингил, Билмасанг, энди билгил. Мен гилосга ўхшарман, Ундан кечроқ пишарман. Хўб фойдали меваман, Камқонликка давоман. Есанг, фойдали қанча, Айтайин, исмим (олча)
 Менинг юзим қип-қизил, Ба'зида еса сарғиш. Ба'зида-чи мени йеб, Мустаҳкам бўлади тиш. Менда витамин кўпдир, Хосиятим сўзлай бир. Мени йеб, ишдан толма, Дейишар, номим (олма)	 Сиёҳранг ё оч кўкман, Ширин, нордон мев--аман. Ҳоҳласанг мени йемоқ, Даркордир аввал ювмоқ. Менман мевалар зўри, Номим-чи, топ (олхўри)	 Таърифин қилсак агар, Қовокнинг қариндоши, Пишишда жуда илғор, Ҳам қовуннинг қондоши. Палакдан узсанг агар, Ҳиди оламини тутар. Мўжазгина гавдаси Барчага озиқ бўлар. Топмасанг, бўлма ҳалак, Ширингина (ҳандалак)

14. Шўх қўшиқлар ва яллалар.

Тўй маросимлари тадбирларига ҳар хил айтимлар ҳам кирган, жумладан, “Келин йиғиси” қўшиқлар тўй маъракаларни, улуғлаш, мадҳиялар, табриклар, панд насиҳат, алёрлар айтишдан иборат бўлган, улар якка-ёлғиз, мусиқа асбоби билан баъзан усиз гуруҳ бўлиб ижро этилган. Улар орасида барча халқларда оммалашган қўшиқ “Ёр-ёр” дир. У нақорат тўртлик услубида таркиб топган. Тўй маросимларида қўшиқлар воқеа таснифининг ва бадиий ифоданинг зарур воситаси саналган. Улар кўпинча келин ва унинг дугоналари томонидан куёв уйига бориш вақтида жамоавий бўлиб чолғу асбоблари-доира жўрлигида ва чолғу асбобларисиз ёки қарсак чалган ҳолда ижро этилади. Баъзи бир халқларда эркаклар томонидан “Ёр-ёр”, каби қўшиқлар чолғу асбоблари жўрлигида ёки дуэт-айтишув шаклида келин ва куёв вакиллари иккита аёллар гуруҳи томонидан ижро этилиши кенг тарқалдики, бу ижроларда маълум маънода қочирим-киноялар акс этади.

15. Халқ айтимлари.

Халқ айтимлари турларига афсона, ривоят, нақл, латифа ва бошқалар киради.

Афсоналар-ўзбек халқ оғзаки ижодининг қадимги жанрларидан бири бўлиб, у ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ бўлган воқеа ва ҳодисаларни ҳаёлий уйдирмалар асосида ҳикоя қилади. У кишининг табиат ҳодисалари ва

ижтимоий воқеаларни билиш ҳамда тушунишга бўлган интилишлари жараёнида вужудга келган. Афсона форсча сўздан олинган бўлиб, фольклор тўғараги статистикаси, сеҳр-жоду ҳамда ҳаётий уйдирмаларга асос бўлган насрий ҳикояларни билдиради.

Ривоятлар-ҳаётий воқеаларни ҳаётий уйдирмалар воситасида акс эттирувчи оғзаки ижод жанрларидан биридир. Уларда тарихий воқеалар ва айрим шахслар билан боғлиқ бўлган воқеалар, кишилар турмуши, географик жойлар-саҳро, кўл, чўл, шаҳар, қишлоқ ва бошқаларнинг барпо бўлиши ҳамда вайрон қилиниши ҳақида ҳикоя қилинади. Ривоятларда лутф ва назокат, ақл ва тадбир, ишқ ва вафо, яхшилик ва одамийлик каби илғор ғоялар зулм ва зўрлик, хавфсизлик ва адолатсизлик сингари иллатларга қарама-қарши қўйилади.

Нақллар-Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари орасида “Зарбулмасал” деб юритилган ва у рамзий ҳикоя маъносида қўлланилган. Ўзбекистонда эса “Зарбулмасал” ўрнида, асосан, нақл термини қўллинади. Нақл-ахлоқий норма ҳамда одоб ҳақида юзага келган фикрларни изоҳловчи таълимий характердаги маъжозий ҳикоядир. Ўзбек халқ нақлларида “Ҳар ким қилса ўзига”, “Одам одам билан тирик”, “Кўрпангга қараб оёқ узат”, кабилар халқ орасида кенг тарқалган.

Латифалар-оғзаки насрнинг маълум ва машҳур жанрларидан бири, у ҳажман кичик, мазмунан лўнда ифодаловчи бир ёки икки эпизоддан ташкил топган бўлиб, асосида ўткир ҳажв ёки енгил юмор ётади.

Танқид ёки юмор эса сўз ўйини, турли хил қочиришлар воситасида юзага келади ва фош этувчи хушчақчақ кулги яратади. Латифа темини арабча латиф ва лутф сўзларидан олинган бўлиб, нозик, кўп маъноли сўз, майин киноя, қочиришлардан иборат бўлган кулгили ҳикояларни англатади. Латифа жанрининг ўзига хос томони асарларнинг ягона қаҳрамони Насриддин Афолкор образидир. Бу образ кўпроқ “Насриддин Афолкор тўғараги”, “Хўжа Насриддин”, “Мулло Насриддин” сингари атамалар билан юритилади.

16. Гулёр лапарлар.

Қўшиқ ва лапарлар жанрлари бир-бирига яқиндир. Лапар нибатан кичик диапазонли куйдан иборат. Куйлар учун ритмнинг равлони ва аниқлиги характерлидир. Қўшиқда ҳар бир мисрадан сўнг нақорат сўзи ва шунингдек, ҳар бир шеър бандидан кейин келадиган нақоратларни учратиш мумкин.

Лапар рақсбоп куйга эга бўлиб, кўпинча ўйин ва рақс билан ижро этилади. Лапарни диалог шаклида икки қўшиқчи-йигитлар ва қизлар халқ ишқий-лирик мазмунида ижро этилади.

“Ёр-ёр”-тўй маросим қўшиғи, халқ сўзи, келинни куёвникига олиб бораётган вақтда аёллар томонидан ижро этилади. “Ёр-ёр”ларнинг маҳаллий вариантлари кенг тарқалган. Ушбу намуна кўп шаклли, тор диапазонли куйи ва оддий интонацион ритмик ҳолати билан ажралиб туради.

Лапарларнинг мусиқий асослари кўпгина белгилари билан қўшиқ учун хосдир. Лапар айтиш Фарғона, Тошкент ва Хоразм лапарларини бир-бирига қиёс қилиб, куйнинг таъсирчанлиги ва ижро услубининг ўзига хослиги билан ажралиб туриш аҳамияти.

Агар Фарғона водийсида лапарлар ижроси икки қўшиқчи томонидан диалог шаклида дутор, доира жўрлигида айтилса, Хоразмда гармон, ғижжак ва дутор жўрлигида якка ижрочилар томонидан ижро этилади.

Бунга Республика профессионал ва ҳаваскор ансамбллар репертуарларидан мустаҳкам ўрин олган ва халқ орасида кенг тарқалган Хоразм лапарларидан “Хива дутори”, “Қора кўзим”, “Дилбар” кабиларни мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

Фарғона водийси лапарларининг ўзига хос мусиқий ижро услуби мавжуд бўлиб, бу услуб куйнинг оҳангдорлиги, ритмик тузилманинг равонлиги, чолғу асбобининг ўзига хос жўравозлиги, лапарларнинг диалог шаклида ижро этиш билан белгиланади.

Халқ орасида кенг тарқалган Фарғона лапарларидан “Қора соч”, “Қилпиллама”, “Билакузук”, “Ҳилила ёр” ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

17. Маросим қўшиқлари.

Маросим мусиқаси мероси икки турдан-вокал (марсия ва қўшиқлар) ва чолғу (чолғу оҳанглари, усуллар, куйлар)дан иборат. Уларнинг ҳар бир маросимда диний сеҳрловчи, хабар бериш-алоқа қилиш, манфаатдорлик-тантановорлик, эстетик жиҳатдан аниқ бир вазифани бажаради. Маросим мусиқаси жанри таркибини аниқлашда маросимнинг фожиавий моҳиятини назарда тутиш лозим, чунки у мусиқа фольклорида реал тарзда намоён бўлади.

Маросим мусиқаси пайдо бўлишидаёқ, у қандайдир воқеага мўлжалланган ва йилнинг маълум бир кунлари ёки бирор муносабат билан ижро этилган. Маросим мусиқасида сўз ва ҳаракатнинг мустаҳкам алоқаси у ёки бу маросим ҳаракатларига мос асарларнинг нафақат мазмунини, балки уларнинг тузилмасини, мусиқавий-поэтик хусусиятларни, ижро услубини, ижрочилар таркибини белгилаб беради.

Маросим мусиқасининг маросимдаги ўрни бир хил эмас. Бир томондан, унда маросимларнинг вазифасини бажарувчи асарларни ажратиш мумкин. Масалан, ёмғир чақирувчи “Суст хотин”, “Тасаддуқ”, шамолни чақирувчи “Шамол чақириш” ёки шомон расм русми жо бўлган “Кўчирик”, Ушбу маросимларнинг афсун-сеҳрга мўлжалланиши кўриниб турибди. Ижрочилар руҳларга, табиатга, ҳайвонларга дуохонлик йўли билан мурожаат қилганлар “Суст хотин”, “Шамол чақириш”, “Бадик”, “Куч”, “Хўш-хўш”, “Чой момо” ва бошқалар, ушбу ҳаракатлар уларни тасаввурларича, йил фаслларнинг алмашишига сабаб бўлади. Иккинчи томондан, маросимларда афсунгарлик, манфаатдорликка асосланмаган асарлар ҳам мавжуд эди. Уларни ижро этишдан мақсад-маросим қатнашчисининг содир бўлаётган воқеага муносабатини ифода этишдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т. Маънавият, 2008
2. Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 31 мартдаги 69-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган Давлат талаблари.
3. М.Дадабоев. “Оҳангларда қалб садоси”. Наманган ш. Наманган нашриёти 2002
4. О.Иброҳимов ва бошқ. Мусиқа 4- синф. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т; 2003
5. М.Олимов. қўшиқ айтайлик. Андижон. 1997
6. Х.Нурматов ва бошқалар. Мусиқа алибоси. 1- синф Т; Ўқитувчи 1998
7. Қ.Усмонов Якка мусиқа дарслиги. “Фан” нашриёти 1998
8. М.Дадабоев “Хур юртимни куйлайман” номли наشري
9. Ўзбекистон- ватаним маним. 3- китоб.
10. М.Дадабоев. Куйланг булбуллар. Наманган 1998
11. Ўзбек халқ мусиқаси 1- том. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Ю. Ражабий. Ўзбекистон Давлат нашриёти, 1955
12. Ўзбек халқ мусиқаси 3- том. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Ю. Ражабий. Ўзбекистон Давлат нашриёти, 1955
13. Т.Жалилов. танланган асарлар. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т.:1968
14. Қўшиқ бизнинг дўстимиз. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т:1989
15. М.Насимов. Дилбарим. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т.:1971 йил.
16. Ўзбекистон қўшиқлари. Киев 1972
17. Мақом ансамбли. О.Иброҳимов. Т: 1993 (Умумтаълим мактаблари ва мактабдан ташқари муассасаларнинг тўғарак раҳбари учун дастур)
18. Фольклор ансамбли. Ф.Хидиров. (Умумтаълим мактаблари ва мактабдан ташқари муассасаларнинг тўғарак раҳбари учун дастур)
19. Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрлари. Т: 1982
20. Хор. Умумтаълим мактаблари ва мактабдан ташқари муассасаларнинг тўғарак раҳбари учун дастур Т.: 1982
21. Мактабдан ташқари муассасалар учун ашула ва рақс тўғарак дастури. Й.Ботиров. Т. 2004
22. Умумий ўрта таълим мактабларида “Ашула ва рақс” тўғараклари учун дастур. Й.Ботиров. Т: 2008
23. Каримова Розия “Фарғона рақс”. Т, 1976 йил, Ўзбекистон адабиёти ва санъати
24. Каримова Розия “Бухоро рақси”. Т, 1977 йил, Ўзбекистон адабиёти ва санъати

Электрон манбалар:

25. “Ziynet”.uz
26. Barkamol.uz

“Фольклор” ёш доирачи тўғарагининг биринчи ўқув йили учун ўқув қўлланмаси

1. Кириш. Доира асбоби тарихидан тушунча.

Сизга тавсия қилинаётган доирачилар тўғараги дастури муаллифнинг кўп йиллик амалий иш тажрибаси асосида яратилган. Қўлланмада асосан машғулотлар мавзуларининг қай тарзда фаолиятга татбиқ этилиш тизими берилган. Иш жараёнида қўлланилаётган назарий ва амалий машғулотларнинг бир-бири билан боғлиқлигини эътиборга олиб, тўғарак раҳбарлари ўз иш фаолиятларида қўллашлари мақсадга мувофиқ.

Ўзбек халқининг сеvimли миллий асбобларидан бири бўлмиш доирасиз миллатимизнинг ҳеч бир тўй, тантана, байрамини тасаввур қилиб бўлмайди.

Доира Марказий Осиё ҳудудида 2000 йил аввал пайдо бўлган бўлиб, у динамик, тембр ва ритмик имкониятларнинг мутлоқ эгасидир.

Доира миллий чолғу асбоблари туркумига кириб, “дул”, “чилдирма”, “ноғора”, “қайроқ”, “сафоил”, “резноғора” номлари билан ҳам халқ орасида машҳурдир. У аниқ бир баланд товушга эга бўлмаса ҳам, хилма-хил овоз, сас, темп ва динамик имкониятларга эгадир.

Ўзбек хонадонининг ҳар бир фарзанди доирани севиб чалишга ҳаракат қилади. Республикамизда доира ритмик усуллари дунёга машҳур қилишда ўз ҳиссасини қўшган Уста Олим Комиловнинг бой мероси авлодлар учун катта мактаб вазифасини ўтамоқда. Тўйчи Иноғомов, Ғофур Азимов, Раҳим Исохўжаев, Авнер Бароев, Дадахўжа Соттихўжаев каби машҳур доирачилар устанинг анъаналарини давом эттирганлар.

Уларнинг етук шогирдлари ҳам ўз навбатида бугунги кунда янги авлодга доира чалиш сирларини ўргатиш билан бир қаторда уларни юксак савияли, нафосатли қилиб тарбиялаш, дунёқарашини бойитишга хизмат қилишмоқда. Ўқувчи-ёшларни миллий халқ санъатидан билим олишлари учун Республикамиз туман, шаҳарларидаги мактаблар, ижодиёт марказларида доира тўғараклари ташкил этилган.

Доира тўғаракларига ўқувчиларни қабул қилиш ишига ниҳоятда эътибор билан қараш лозим. Мусиқавий хотира, эшитиш ва қайтариш, усул эшитиш қобилияти мустаҳкам бўлган ўқувчилар тўғаракка жалб этиладилар. Машғулотнинг биринчи кунидан бошлаб ҳар бир ўқувчи ўзининг шахсий доирасига эга бўлиши шарт.

Доира ёғоч гардишдан иборат бўлиб, бир томонига таранг тери қопланган, унинг ички томонига металл халқачалар “шинғироқлар” ўрнатилган. Доира гардиши одатда тут, ёнғоқ, ток пояси ёки заранг дарахтидан ишланиб, гардишининг диаметри тахминан 38 смдан 41 смгача, қалинлиги эса 5-6 см бўлади. Парда мембранаси эса от, бузоқ, эчки терисининг тўш қисмидан баъзи ҳолларда эса балиқ терисидан тайёрланади.

Мембрана гардишига махсус елим билан ёпиштирилади. Ички томонидан эса 50-70 тагача (бу гардиш диметрига боғлиқ) металл халқачалар “шинғироқлар” ўрнатилади, улар доира силкитилганда ёқимли шинғироқ товуш чиқаради. Доира бир хил тембрли усул билан чегараланувчи бошқа уриб

чалинувчи чолғу асбобларидан фаркли ўлароқ, кўп микдордаги тембр воситаларига эга.

Ўзбек халқи қадимдан доира асбобини жуда ардоқлаб келган. Ўтмишда бу асбоб садолари остида халқни майдонларга, тўй-томошаларга, мусобақа-курашларга чақирганлар. Ҳозирда замонавий куй-қўшиқларга жўр бўлиш билан бир қаторда яккахонлик усули ҳам ишлатилади.

Доира мусиқаси илгари нота ёзувига эга бўлмаган, шу сабабли оғзаки равишда авлоддан-авлодга ўтиб келган.

Ритмика ҳақидаги таълимот ва унинг бир қисми бўлган ритмик фигурациялар “усуллар” ҳақидаги таълимот Марказий Осиёнинг атоқли олмилари музика бўйича кўпгина трактатларда катта ўрин тутди (масалан, Абдурахмон Жомийнинг “Музика ҳақидаги трактата” ва XVII асрдаги Бухоролик музикачи Дарвеш Алининг асарлари).

Ўзбек халқ чолғу асбоблари орасида уриб чалинадиган асбоблар гуруҳи куйнинг хос ритм қаторини ташкил этиб, алоҳида ўрин эгаллайди. Жуда кўп халқларда халқ куйлари уриб чалинадиган асбобларнинг ритмлари асосида ижро этилади.

Уриб чалинадиган асбоблардан энг кўп тарқалган доирадир. Доира аниқ бир баланд товуш чиқармайди. Мусиқий қатор тембрли оҳангдорлигининг, ритмик- динамик тоннинг бутун хилма-хиллиги икки қўлнинг зарби ва ҳамма бармоқлар иштирокида таъминланади. Доира садолари ўзгача характерга эга, у якка ижро этилганда, рақс жўрлигида яхши қабул қилинади, шарқ куйларини ўзига хос калоритини таъкидлаб ўтади.

Доира ва унинг тасвири ҳақидаги маълумотлар X асрдан бошлаб адабий манбааларда учрайди. Дастлабки доира тасвирига кўра шакл жиҳатидан тоғли тожикларнинг доирасига гардишидаги тешикчаларига ликопчасимон “шинғироқлар” ўрнатилган “даф”га анча яқин туради. Аммо бу эски чолғу асбоблари замонавий асбобларга нисбатан анча кичик эди.

Доиравий музикани қайд қилиш билан XIX асрнинг 80- йилларида ҳарбий капелмейстер А.Ф.Эйхгорн, кейинчалик XX асрнинг 20-30 йилларда музика санъатининг кўзга кўринган вакилларида Б.М.Беляев, В.А. Успенский, Н.Н. Мироновлар шуғулланганлар, улар ўз қайдларида асосан ритмик томонни акс эттирганлар.

Доира мусиқасининг тўлиқ ишланган тембрининг бой рангли томонларини очиб берган система Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор А.И.Петросянц системасидир. Бу система Ўзбекистон замонавий музика амалиётидан мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Муҳим тарихий манба тариқасида И.Акбаровнинг Уста Олим Комиловдан ёзиб олган “Доиранинг зарблари” тўпламини эслатиб ўтиш лозим. Бундан 57 йил муқаддам чоп этилганига қарамай, ушбу тўплам ҳозирги кунгача анъанавий усулларнинг энг тўлиқ мажмуаси деб тан олинади.

Юқорида қайд этилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Доира ижрочилиги ўзбек музика санъатининг ажралмас бир қисмидир.

2. Доира асбобининг тузилиши.

Доира ёғоч гардишдан иборат бўлиб, бир томонига таранг тери қопланган, унинг ички томонига металл халқачалар “шинғироқлар” ўрнатилган. Доира гардиши одатда тут, ёнғоқ, ток пояси ёки заранг дарахтидан ишланиб, гардишининг диаметри тахминан 38 смдан 41 смгача, қалинлиги эса 5-6 см бўлади. Парда мембранаси эса от, бузоқ, эчки терисининг тўш қисмидан баъзи ҳолларда эса балиқ терисидан тайёрланади.

Доиранинг барча хусусиятларини назарда тутган ҳолда, уни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- оғир гардишли;
- ўрта гардишли;
- енгил гардишли.

Доирага қопланадиган терининг барча хусусиятларини назарда тутган ҳолда, уни ҳам уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- қалин тери;
- ўрта тери;
- юпқа тери.


Доира қолаш жараёнида оғир гардишга қалин тери, ўрта гардишга ўрта тери, енгил гардишга юпқа тери қолаш мақсадга мувофиқдир.

Доира гардишининг ички кўриниши. Доира гардиши ички томонига унинг диаметрига қараб, 70-80 та ва ундан ортиқ металл халқачалар ўрнатилади. 14-15 га яқин битталиқ ёки учталиқ безак балдоқлари михланади. Гардишнинг терига туташган ички томони доира зарбларини бўғмаслиги учун бир оз ёйсимон йўниланган бўлиши лозим.


“Шинғироқ”. Доира зарблари остида халқачаларнинг бир-бирига урилиши натижасида ҳосил бўладиган товуш “шинғироқ” деб аталади ва амалиётда (х) белгиси билан ифодаланади.

“Шинғироқ” тажрибада, асосан, икки кўринишда учрайди: мустақил ва жўрликда. Иккинчи кўринишда бу услуб ҳар хил усуллар билан биргаликда қўлланилиб, ҳар бир урилган нуқраларга безак беради.

Мисол: “Шинғироқ” нинг мустақил қўлланиши:



“Шинғироқ”нинг ҳар хил усуллар билан биргаликда қўлланилиши:



“Шинғироқ” ижро услубидан моҳирона фойдаланиш Доирачининг зеҳни ва маҳоратига боғлиқ.

3. Доирани ушлаш қоидалари.

Доира ушлаш ҳолатининг ижрода иккита асосий таянч нуқтаси бўлади. Доира гардишининг чап қўл кўрсатгич ва бош бармоқ ўртасига қўйилиши ҳамда қолган бармоқларнинг чалишга тайёр туриши биринчи ҳолатдир. Ўнг қўл бош бармоқ ва қўл кафти билан гардишнинг эн томонининг ўртасига қўйиб, чап қўл посонги тўғирланиши иккинчи таянч нуқтадир.

Доира ижрочиси ижро вақтида қўл, оёқ гавдани тўғри тутишга алоҳида эътибор бериши зарур. Елкаларини тўғри тутган ҳолда суянчиққа суянмасдан стул четига яқинроқ ўтириш керак. Иккала қўл тирсаклари ҳам гавдага тегиб турмаслиги мақсадга мувоиқдир. Тирсаклар бироз кўтарилиб туриши, оёқлар эса полга тиралиб турилиши керак. Ўнг оёқ чап оёққа параллел бўлга ҳолда 10-15 см орқарокда туради. Асосий оғирлик ўнг оёққа тушади. Тик туриб доира чалаётганда ҳам худди шундай қилинади.

4. Доира нота тизми билан танишиш.

Халқ мусиқа ижрочилиги санъатининг кўпгина созлари каби Доира чолғучилигида ҳам XIX асрнинг иккинчи ярмигача усулларни ноталаштириш яхши йўлга қўйилмаган эди. Қадимдан Доирачиларга усулларни устоз-созандалар томонидан оғзаки, яъни устоз-шогирд қабилида амалий кўрсатиш йўли билан ўргатиб келинган.

Зарб ва нақрларни илк бор қоғозга тушириш эса, ўтмишда яшаб, ижод қилган Ал-Форобий (IX-X аср), Сайфуддин Ал-Урмавий (XII-XIII аср) каби буюк алломаларнинг мусиқий рисоаларида баён этилган.

XIX ва XX аср бошларида Комил Хоразмий ва мумтоз мусиқа йўлидаги усуллар мажмуаларини Фитрат домла ўз асарларида нота чизигисиз баён этишган. Доира зарб ва усулларини ноталаштириш услубининг ўзига хос, мукамалроқ йўлини XIX асрнинг 80-йилларида маълум даражада ҳарбий капельмейстер А.Эйхгорн, XX асрнинг 20-30-йилларида эса таниқли рус мусиқашунос этнографлари В.М.Беляев, В.А.Успенский, Н.Н.Мироновлар бошлаб берганлар. Улар Доира чолғу усулларини, асосан урма чолғулар учун амалиётда қабул қилинган бир чизикли нота ёзуви услубида кўрсатиб берганлар.

Доира ижрочилигида уч ижро воситаси мавжуд: ранг-баранг тембрлар, усул ва хилма-хил динамик шакллар.

Буларнинг барчаси Доира ижрочилик санъатида ўзаро чамбарчас боғланган. Доира зарб ва усуллари созанданинг иккала қўл бармоқларининг бир хил ҳаракатлари таъсирида ҳосил бўладиган кучли ва кучсиз зарб садолари туфайли вужудга келади. Шунинг учун ҳам, Доира ижрочилик санъатининг бой ва хилма-хил ижрочилик имкониятларини бир чизикли нота ёзуви услуби тўлиқ ифода эта олмайди. Чунки, бир чизикли услубда Доира зарбларини, асосий товуш манбаи (бак, бум) зарбларини кўрсатиши мумкин, холос.

